

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқи асосида

**УДК**

**ДЕХҚОНОВ ШЕРЗОД ХАНДАМИРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕРНИ МЕЛИОРАТИВ  
ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**5А380106** – Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон, кон ҳуқуқи; экология  
ҳуқуқи

**Магистр**

**академик илмий даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**  
юримик фанлари доктори  
Файзиев Шухрат Хасанович

**Тошкент - 2010**

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>Кириш</b> .....	2-9
<b>1-БОБ. ЕРНИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ</b> .....	
1.1. Ерни мелиоратив ҳолати яхшилашнинг ҳуқуқий асослари тушунчаси ва аҳамияти.....	9-18
1.2. Ер ҳуқуқи қонунчилигида белгиланган ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги асосий тамойиллар.....	18-28
1.3. Ерни муҳофаза қилиш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қонунчилигининг ривожланиш босқичлари.....	29-42
<b>2-БОБ. ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	
2.1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	43-52
2.2 Ерни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.....	52-58
2.3 Ерни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси ва жавобгарлик турлари.....	58-67
<b>Хулоса</b> .....	68-71
<b>Илова</b> .....	72
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	73-80

## К И Р И Ш

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамизда иқтисодий ислохатларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши тараққиётнинг асосий омили бўлди. Ҳар бир ислохат маълум бир ҳуқуқий манба асосида амалга оширилади. Чунки, ҳуқуқий негизсиз ижтимоий, иқтисодий ислохатларни амалга ошириб бўлмайди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга асосий эътибор бериб келинди ва кейинги ҳаракатларимизда ҳам бу ҳол устунлигини сақлайди»- И.А.Каримов<sup>1</sup>. Бугунги иқтисодиётимизда ва ижтимоий турмушда бинобарин сиёсатимизда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикамизнинг тараққиёти ва ўсиш суръатларни ҳал қиладиган муҳим тармоқлардан биридир. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатларни чуқур ўрганиш муҳим рол ўйнайди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фуқаролик, Жиноят, Солиқ, Меҳнат, Шаҳарсозлик кодекслари, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”ги қонунлари. “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”, Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти 2007 йил 29 октябрдаги “Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат.// Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. -Т.: «Ўзбекистон», 1996,

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–3932-сон Фармони, Фармондан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ерларни муҳофаза қилиш мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга хизмат қилади.

Қанчалик қонунларимиз мукамал қабул қилинмасин барибир мамлакатимизда ер ресурсларидан хўжасизларча, ноқонуний, мақсадсиз фойдаланиш, унга зарар етказиш билан боғлиқ жараёнлар, ерларни муҳофаза қилиш талаблари ва агро-техник қоидаларга амал қилмаслик ҳолатлари камайганича йўқ. Ушбу ҳолатларнинг асосий сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- Ерларнинг мелиоратив ҳолатига эътиборсизлик қилган ҳолда янги ерларни ўзлатириш ва фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги;

- Кўплаб гектар ерлар мавжудки унга экинларни алмашилиб экилиши талаб этилади, масалан пахта, бошоқли экинлар, аммо қоидаларга етарлича амал қилмаслик ҳоллари камаймаяпти;

- Ерларни суғориш жараёнида суғориш сувларидан самарасиз фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишида сувни тежаш технологиялари ва техникаларини бўш татбиқ этиш;

- ер юзи сув оқимларига тозаланмаган коллектор-дренаж ва оқава сувларини чиқариш;

- менерал ўғитларни ҳаддан зиёд зарар даражаси кучли бўлса ҳам кўп ҳолларда ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда нормадан ортиқ фойдаланиш;

- ер ва сувдан фойдаланишда иқтисодий рағбатлантириш механизмларининг такомиллашмаганлиги ва бошқалар<sup>2</sup>.

Келтириб ўтилган мисолларни сонини чеклаш қийин албатта, кўриниб турганидек, босқичма – босқич ривожланиб бораётган иқтисодиётимиз ўз навбатида мулкчиликнинг турли хил шакллари саналган хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахс ва фуқароларни келтириб чиқарди бир томондан яхши албатта аммо бошқа тарафдан қаралганда ачинарли ҳолатлан номоён бўлмоқда мисол миллий бойлигимиз бўлган ердан оқилона фойдаланишуни муҳофаза қилиш, уларнинг мелиоратив ҳолатига беэтибор бўлиш ва коидаларни бузиш ҳолатлари амалиётда кўплаб учраб турибди. Бунга бугунги кундаги ер эгаларининг ердан фойдаланишда малака механизмнинг шаклланмаганлиги, ҳуқуқий онги ва маданияти етарли даражада эмаслиги асосий сабаб бўлмоқда.

Шундай экан ернинг мелиоратив ҳолати билан боғлиқ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий чора-тадбирларнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш бугунги кунда муҳим вазифалардан биридир. Бу ўз – ўзидан рўёбга чиқмаслиги аниқ албатта шундай бўлсада ерни муҳофаза қилиш ундан самарали фойдаланишга, бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштирмасдан, бу борадаги қонунчиликни амалиётга кенг қўллагандан бундай муҳим ва долзарб вазифани ҳал этиб бўлмайди. Бинобарин, юқоридаги муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда шу асосда тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш мазкур тадқиқотнинг долзарблигини ифодалайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳоланини яхшилаш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий-амалий жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқотларни қуйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

---

<sup>2</sup>Кенжаев Р.Х. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 4 б // Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза. (2002-2004 йиллар). Алихонов Б.Б. умумий таҳрири остида, Т.: 2006.

Ер билан боғлиқ қонунчиликнинг риқожланиб бориш босқичи ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тамойиллар ташкил этади. Бугунги кунда, юридик фан манбалари мақомига эга бўлган ерларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва бериш билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларни илмий-тадқиқ этишга бағишланган диссертация<sup>3</sup> ишлари, монография<sup>4</sup>, ўқув адабиётлари<sup>5</sup> ва кўплаб мақолалар<sup>6</sup> яратилган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ҳуқуқий асослари мавзусига боғлиқ назарий-ҳуқуқий масалаларга бағишланган тадқиқот ишлари камроқ асосан ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ ишлар учрайди. Уларнинг аксарияти илгариги яъни, 1998 йилда қабул қилинган Ер қонунчилигидан олдин амалда бўлган

<sup>3</sup> Кенжаев Р.Ҳ. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 24 б Бобокулов Ш.О. Фуқароларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. ном. дис. автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 26 б.;; Файзуллаева Г.Г. Юридическая ответственность за нарушения права сельскохозяйственного землепользования. Дис....канд. юрид. наук. - Ташкент: ТГЮИ, 2001.- 170 с. ва бош.

<sup>4</sup> Усмонов М.Б. Қишлоқ хўжалигида ижара.-Тошкент: ТДЮИ., 2005.182-6.; Ўша муаллиф. Усмонов М.Б. Ер ва қонун. -Т.: Адолат, 1994.-6.98.; Узакова Г.Ш. Аҳоли пунктлари ерларининг ҳуқуқий ҳолати. -Тошкент: ТДЮИ., 2007.167-6.

<sup>5</sup> Усмонов М.Б ва бош. Ер ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ, 2002. -6.380; Усмонов М.Б. Ер ҳуқуқи // Уқув қўлланма.-Т.: 2004. -6.25; Усмонов М.Б., Мирзаабдуллаева М.Р. Ер ҳуқуқи. Ўқув-услубий мажмуа.- Тошкент:ТДЮИ, 2008.-6.167. ва бош.

<sup>6</sup> Ражабов Н.Ш. Ерлардан фойдаланишни меъёрлаш ва стандартлаштириш масалалари. Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари. // Т. ТДЮИ. - 2004.; Усмонов М.Б. Ер ҳуқуқининг долзарб муаммолари. // Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. Илмий-амалий конференция тўплами, - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004.; Ўша муаллиф. Қишлоқ хўжалик қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. //Қонун химоясида, 2003. -№6.; Файзиев Ш.Х. Ер ва маъсулият. //Инсон ва қонун. 2005. 19 апрель.; Ўша муаллиф.Основнью направления совершенствования земельного законодательства. //Ер қонунчилиги такомиллаштириш муаммолари. Илмий -амалий конференция тўплами. -Т.: ТДЮИ. 2005.; Мирзаабдуллаева М.Р. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишга оид қонунчилик хусусида баъзи мулохазалар.//Давлат ва ҳуқуқ. 2004. № 6.; Ўша муаллиф. Ер ижараси қонунчилиги ислохотлари. Фуқаролик қонунчилиги: Муаммо ваечимлар. // Халқаро илмий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004.; Ўша муаллиф. Ерга бўлган ҳуқуқни вужудга келишида танловнинг аҳамияти. //Ер қонунчилиги такомиллаштириш муаммолари мавзусидагиконференция тўплами. -Т.: 2005. 14 апрель.; Нурматов М.М., Кенжаев Р. Ерларни муҳофаза қилишда фуқаровий -ҳуқуқий жавобгарлик. // Фуқаролик қонунчилиги: Муаммо ва ечимлари мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2004.

қонунчиликка асослансада<sup>7</sup> бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас.

Ушбу диссертация ишини ёритишда ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, қонуний асосларини илмий - амалий жиҳатдан таҳлил қилишда юқорида кўрсатиб ўтилган илмий асарлардан фойдаланилди.

Ушбу диссертация ишида биз қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган амалдаги қонунлар тахлили орқали очиб беришга интилдик.

**Диссертация тадқиқотининг назарий-услубий асослари** сифатида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг ер билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга бағишланган асарлари қишлоқ хўжалиги соҳасида тадқиқот олиб бораётган олим ва назарийчиларнинг илмий назарий асарлари ва мақолалари ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари, дастур ва режалар асос қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилиш тизимининг ҳуқуқий асосларини илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, уларни ҳозирги замон талабларига жавоб бериш даражасини аниқлаш ва янада такомиллаштириш борасида тегишли назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар.** Ушбу диссертация тадқиқотнинг мақсади қонунчиликни такомиллаштириш амалга оширилган ислоҳотларнинг ва ерларини муҳофаза қилиш, уларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан боғлиқ муаммолар юзасидан олиб борилаётган ишларни чуқур таҳлил қилиш мавжуд қонунчилик қоида-талабларини ўрганиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>7</sup> Холмўминов Ж.Т. Ер муҳофазага муҳтож.//Фан ва турмуш. 1996. № 5.; Холмўминов Ж.Т. К анализу правовмх проблем собственности на орошаемме земли. // Общественне науки в Узбекистане. 1997. №1.; Холмўминов Ж.Т. Эколого-правовью проблемм использования орошаемьгх земель в Республике Узбекистан. -Т.: «Фан», 1996.

Диссертациянинг мақсади қуйидаги тадқиқотнинг асосий вазифаларини белгилаб беради:

-бозор иқтисодиёти шароитида ер қонунчилигини ўрганиш уларни такомиллаштириш борасидаги ислохотларининг ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

-ерларнинг мелиоратив жихатдан яхшиланиши бугунги кундаги иқтисодиётимизда тутган ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

- ерларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи ва у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва қонун ости меъёрий ҳужжатларининг мазмунини ёритиш;

- ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** шундан иборатки, унда ҳозирги даврда ерларининг ҳуқуқий ҳолати таҳлил қилиниб, уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклиф-мулоҳазалар ишлаб чиқиш кўзда тутилади.

Амалга оширилган тадқиқот натижасида ҳимояга илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ҳолатлар киритилади:

Ҳозирги кунда олиб борилаётган туб ислохотлар негизида ерларининг тутган ўрни ва аҳамиятининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ёритилди.

Ерларни муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари тизими ёритилди.

ерларининг ҳуқуқий мақоми илмий-ҳуқуқий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинди.

ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида мавжуд тўсиқ ва камчиликлар аниқланиб, тегишли таклиф-мулоҳазалар ва тавсиялар берилди.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга таъриф сифатида қуйидагини келтирилади, “Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ҳуқуқий асослари деганда давлатимиз томонидан ўрнатилган, меъёрлар-ҳуқуқий ҳужжатларда

белгиланган қоидаларга амал қилилган ҳолда ердан фойдаланиш, муҳофаза этиш ва ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуига айтилади”;

- ерларни муҳофаза қилиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий чора-тадбирлар бири-бирига чамбарчас боғлиқ ер-ҳуқуқий муносабатлар тизимининг таркибий қисмлари сифатида қаралиши;

- таъриф сифатида ер ҳуқуқидаги интизомий жавобгарлик – фақат меҳнат қонунчилигида кўзда тутилиб ўзининг ички низомида ҳуқуқбузарлик деб белгилаб қўйилган, айбдорлик белгиларига эга ҳуқуқбузарликларга айтилади деб айтишимиз мумкин<sup>8</sup>.

**Тадқиқот амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ер билан боғлиқ муносабатларни ва айнан ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган уни қонуний мустаҳкамланиши хусусида билдирилган фикрлар ва таклифлар ўз ўрнида ер ва ердан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни шакиллантиришда, такомиллаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини оширишда, тарғибот ишларида фойдаланиш мумкин.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 2 боб 6 параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 80 бетни ташкил қилади. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид адабиётдан фойдаланилган.

---

<sup>8</sup> Шахсий фикр

## **1-БОБ. ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ.**

### **1.1. Ерларни мелиоратив ҳолати яхшилашнинг ҳуқуқий асослари тушунчаси ва аҳамияти.**

Ерларни муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган фаолият масаласи жамиятнинг доимий муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик аҳамиятга молик бўлган вазифаларидан биридир. Чунки, жамиятнинг моддий фаровонлиги, мавжудлиги ва келажак авлодларнинг тақдири табиатнинг бебаҳо бойлиги бўлган ерга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга боғлиқдир. Шу сабабдан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, нафақат экологик балки ижтимоий - иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Марказий Осиё шароитида ер Аллоҳ таолонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради. Бевосита деҳқончилик билан боғланган оилаларнигина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республиканинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечириши учун моддий негиз яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажagini белгилаб берадиган омил ҳамдир”<sup>9</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш масаласи суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича ўта муҳим вазифани ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир.

Бу вазифа 2008 ва ундан кейинги йилларда биз учун асосий устувор йўналиш бўлиши зарур. Ернинг мелиоратив ҳолатига оид вазият бизни ташвишлантормасдан қолмайди. Ҳозирги вақтда суғориладиган ернинг қарийб 8 фоизининг мелиоратив ҳолати ёмон бўлиб, бу аввало тупроқнинг шўрланиш даражаси юқорилиги ва ер ости сувларининг кўтарилиши билан

---

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.509.

боғлиқ. Салкам 330 минг гектар ер мелиоратив ҳолати қониқарсизлиги туфайли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб турибди.<sup>10</sup>

Суғориладиган ернинг сифатини баҳолашнинг умумий кўрсаткичи бўлган ер бонитети сўнгги йилларда 55 баллгача пасайди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм, Бухоро ва Сирдарё, Фарғона ва Тошкент ҳамда бошқа бир қатор вилоятларда аҳвол мураккаблигича қолмоқда.<sup>11</sup>

Бугунги кунда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва унинг самарадорлигини юксалтиришнинг муҳим резерви ва ҳал қилувчи омили, энг асосийси – қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини кўтаришнинг зарур шарти ва гарови бўлиб хизмат қилади.

Биз мазкур муаммони ҳал этишни кўп жиҳатдан 2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда кўрамиз. Ушбу дастурда мелиорация иншоотларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, мелиорация техникаси паркинни янгилаш бўйича кенг кўламли ишларни бажариш белгиланган. 2008-2012 йилларда умумий узунлиги 3,5 минг километрдан зиёд бўлган магистрал, туманлараро ва хўжаликлараро коллекторларни, мингдан ортиқ мелиорация қудуғини барпо этиш ва реконструкция қилиш, 7,6 минг километрлик дренаж тармоғини қайта тиклаш вазифаси қўйилмоқда. Буларнинг албатта ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлади. Яна шуни таъкидлаш керакки ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир қабул қилинаётган қонунлар тегишли ташкилотларнинг норматив ҳужжатлари ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

<sup>11</sup> “Самарқанд хокимияти расмий сайти” [www.google.ru](http://www.google.ru)

Президентининг «Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сон Фармониға мувофиқ ҳамда суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини сифатли шакллантиришни ва ўз вақтида амалға оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сон қарорини келтиришимиз мумкин. Ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиғиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалға ошириш тартиби тўғрисидаги низомға 1-илова<sup>12</sup> ишлаб чиқилди.

Юқорида айтиб ўтилган Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Низоми асосида биргина жорий йилнинг ўзида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалға ошириш кўзда тутилган. Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва коллектор-дренаж тармоқларини самарали ишлашини таъминлаш мақсадида, ҳолатни чуқур таҳлил қилиш ҳамда коллектор-дренаж тармоқларини техник аҳволини яхшилаш ва уларни бошқарув механизмини танқидий қайта кўриб чиқиш ҳамда аниқ таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 25 июндаги ПФ-2770-сонли Фармойиши қабул қилинди. Жорий йил бошида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадлар учун 75 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш мўлжалланди.<sup>13</sup> Бу маблағларнинг катта қисми коллектор-дренаж тармоқларини қайта тиклаш ва тозалаш, пудратчи ва сув хўжалиғи ташкилотларини лизинг асосида замонавий техника билан таъминлашға йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Директорлар кенгаши "Бухоро, Навоий ва Қашқадарё

---

<sup>12</sup> Диссертация якунида иловалар берилган.

<sup>13</sup> [www.region.uz](http://www.region.uz)

вилоятларидаги ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2007 йил 26 сентябрдаги № 698-сонли Президент Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор лойиҳасини амалга ошириш даври 2007 - 2012 йиллар деб белгиланди<sup>14</sup>.

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2007 йили Молия вазирлиги ҳузурида "Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси" ташкил этилди бу жамғарма ўзининг беш йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқди. Мазкур дастурга асосан ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиоратив объектлар, мелиоратив насос станцияси, мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, мелиоратив кадастр киби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтилган. Ушбу дастурда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини қатъий назорат қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш, вилоятларда махсус пудрат ташкилотларини ташкил этиш ва уларни замонавий техника билан таъминлаш масалаларини ечиш вазифаларини ўз зиммаларига олдилар.

"2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида" ги Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги 212-сон Қарорига мувофиқ суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида Бухоро вилояти бўйича 141 километр узунликдаги туманлараро зовурларни мукамал тиклаш, 9484 километрдан иборат хўжаликлараро зовурларни таъмирлаш, умумий узунлиги 145 километр хўжаликлараро зовур-дренаж тармоқларини барпо этиш каби бунёдкорлик ишлари амалга ошириш режалаштирилган. Биргина 2008 йилда 11 та тизимда 1307,4 километр узунликдаги зовурлар

---

<sup>14</sup> "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси", 2007 йил, 9-сон, 464-модда.

таъмирланиб қайта тикланди. Натижада ўн тўққиз минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” 2009 йил яқунлари бўйича бўлиб ўтган ушбу мажлис маърузаларида “.....ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж кудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу кишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради”<sup>15</sup>. Бу албатта ерга муносабатнинг не чоғлик аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Юқоридаги асослардан келиб чиқиб, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ҳуқуқий асослари деганда давлатимиз томонидан ўрнатилган, меъёрлар-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга амал қилилган

---

<sup>15</sup> И.А. Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир" номли маърузалари 2010 йил 27 январ // 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» 2010 йил 27 январ

ҳолда ердан фойдаланиш, муҳофаза этиш ва ернинг унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуига айтишимиз мумкин.

Шу билан бирга, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ўта долзарб вазифани амалга оширишда халқаро молия институтлари, банклар ва хорижий шериклар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Масалан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудларида суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Бухоро, Қашқадарё ва Навоий вилоятларининг 9 та туманида суғориладиган ерларни деҳқончилик учун яроқли ҳолатга келтириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик тажрибаси ўзини тўлиқ оқлади.

Шунингдек, Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж тармоғини ўтказиш бўйича лойиҳани амалга ошириш ва Марказий Фарғонадаги ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун Жаҳон банки ҳамда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг умумий қиймати қарийб 70 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредити жалб қилинганини қайд этиш лозим.<sup>16</sup>

Энг асосийси ташқи таъсирлардан ҳуқуқий ҳимоя қилиш объекти бўлган “ер”ни ҳуқуқий категория сифатида тавсифлаганда, унинг таркибига ер ҳолатининг сифатлилигига тааллуқли бошқа элементлар ҳам киришини таъкидлаб ўтишимиз керак бўлади. Ерларни ифлосланиш ва бошқа деградация омилларидан ҳимоя қилиш бўйича Ер кодексида тупроқ ва унинг унумдорлигини сақланиши, ердан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш, Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида гапирилган. Тупроқ ернинг унумдор устки қатлами бўлиб, табиий органик ва ноорганик омилларнинг узоқ давом этган

<sup>16</sup> [www.yandex.com](http://www.yandex.com), [www.region.uz](http://www.region.uz)  
 “Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти”  
[www.google.ru](http://www.google.ru) Интернет порталлари.

таъсирида натижасида шаклланади. Унинг қалинлиги бир неча миллиметрлардан 2 метргача бўлиши мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ернинг ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг мақсади унинг умумий майдонини сақлаб қолиш бўлмай (у асосан ўзгаришсиз қолаверади), балки ер ҳолати сифатини сақлаш, тиклаш ва яхшилаш ҳамдир. Шундай бўлсада, ер мақсадсиз фойдаланиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниш кабилардан ҳам муҳофаза қилинади<sup>17</sup>.

Тупроқ сифат тавсифидаги фарқлар – жисмоний, кимёвий, физик-географик, хўжалик-иқтисодий, тарихий ва ҳаттоки, эстетик, шунингдек, тупроқнинг кўчмас мулк сифатида ўзига хосликлари Ер кодексида кўзда тутилган ер категориялари ва турларини белгилаш учун асос бўлади”.

Албатта энг аввало ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер бойликларидан самарали, илм-фан тавсиялари, табиатнинг умумий қонуниятлари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш, шак-шубҳасиз, ҳозирги даврнинг биринчи даражали вазифаларидан биридир. Бундай ҳолатда албатта ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки тегишли ҳуқуқ нормалари ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи вазифани ўтайди, ундан оқилона фойдаланиш ва турли хил ғайри қонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.

Ер ресурслари ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари миллий ва глобал миқёсда долзарб бўлиб қолмоқда. Кўрилаётган чораларга қарамай, ернинг мелиоратив ҳолати жараёни кучайиб бормоқда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ер ресурслари камайиб кетмоқда.

Айтиш ўринлики, ердан оқилона фойланиш ва уни муҳофаза қилишни ҳуқуқнинг ёрдамисиз амалга ошириш мумкин эмас. Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ер бойликларига эҳтиёткорона

<sup>17</sup> Табиатни муҳофаза қилиш. Т.: Меҳнат. 2002. – 51 б.

муносабатда бўлиш, уларни асраш, доимо тупроқнинг мелиоратив ҳолатини сақлаш, унумдорлигини ошириб бориш талабларини ўрнатади ва ушбу талабларга риоя қилиш чораларини белгилайди. Жумладан, Асосий қонунумиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”<sup>18</sup>, деб белгилаб қўйилган. Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий асосларини ривожлантириш бутун жамият учун ҳам, ҳар бир алоҳида шахс учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ер нафақат кишилар учун яшаш макони балки, унинг моддий фаровонлигини таъминловчи муҳим восита ҳамдир. Республикамиз Президенти И.А. Каримов 2002 йил 14 февраль Вазирлар Маҳкамасининг “2001 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида” қилган маърузасида бу ҳақда шундай деган эдилар: “Шу нарса барчамизга маълум бўлиши керакки, мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда, бу муаммо нақадар муҳим эканини тушунишимиз қийин эмас, деб ўйлайман”<sup>19</sup>.

Ҳақиқатан ҳам ер ресурслари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий объекти эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, ундан оқилона фойдаланиш, ернинг унумдорлигини сақлаш нафақат ижтимоий-экологик, балки иқтисодий аҳамият касб этишини ҳам кўрамиз.

Бугунги кундаги қишлоқ хўжалигидаги янги мулкдор, ер эгаси бўлган фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ерга бўлган муносабати муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки, меҳнат самарасидан манфаатдор бўлмаган субъектлардан фарқли ўлароқ, фермер ердан оқилона фойдалана бошлади. Уни муҳофазаси билан боғлиқ барча тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.11.

<sup>19</sup> Каримов И.А. “Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз”. //Халқ сўзи. 2002 . 15 фев.

бормоқда. Бу эса охир-оқибат унинг ернинг унумдорлигига шунингдек, ер эгасининг фаровонлиги ва даромад манбаининг ўсишини таъминлайди.

Ер табиатнинг бошқа бойликларидан фарқли ўлароқ, унга оқилона муносабатда бўлишни, унинг унумдорлик, қайта тикланиш хусусиятларини юзага келтириш учун доимий тарзда ишлов беришни, ғамхўрлик қилишни талаб қилади. Бунинг учун ер муносабати субъектлари бу борадаги тегишли нормаларга амал қилишлари лозим бўлади.

## **1.2. Ер ҳуқуқи қонунчилигида белгиланган ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги асосий тамойиллар**

Бизга маълумки, ҳар бир соҳанинг таянчи асосий йўналишларини белгилаб берувчи умумий тамойиллари мавжуд. Биз аввало, Ер қонунчилиги бўйича умумий бўлган ўзининг тамойилларига аҳамиятимизни қаратамиз. Эндиликда мазкур тамойиллар ердан фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ҳам ўзига ҳос тамойилларини белгилаб беради.

Бугунги кун эртанги кун учун замин яратади деб бежиз айтилмайди албатта, ерлани асрашимиз давлатимиз ва фуқароларимиз, манашу муқаддас заминда яшаётган ва ўсиб келаётган келажак авлодлар учун не чоғлик кадрли эканлигини ўзимизга сингдира олишимиз бу бизнинг ўзимиз виждонимиз олдидаги принципимиз ҳисобланади деб ўйлайман. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги гапларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: “Агар биз ернинг ҳосил беришини хоҳласак, уни асраб-авайлашимиз шарт. Ерни қанча эъзозласанг, у сенга шунча кўп ризку насиба бераверади”<sup>20</sup>.

Умуман ердан фойдаланиш тамойилларини ердан оқилона фойдаланишга ва уни муҳофаза қилишга қаратилган асосий қоидалар, ғоялар

---

<sup>20</sup> Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт. / Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз.Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 289.

белгилайди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 2-моддасида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари берилган. Унга кўра, “ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қуйидаги асосий принципларга асосланади:

- энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётининг фаолиятининг асоси тариқасида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;
- ердан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ернинг, энг аввало суғориладиган ернинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;
- ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;
- ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш шакллариининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;
- ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш; ернинг ҳолати ҳақидаги ахборотнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш”<sup>21</sup>.

Шу билан бирга ерларни муҳофаза қилишда, ердан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланиш;

---

<sup>21</sup> Кенжаев Р.Х. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 41.6 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – № 5-6. 82 – модда

- ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни (суғориладиган ерларни) алоҳида муҳофаза этиш ва қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш;
- ер ва бошқа табиий объектларга зарар етказилишининг олдини олиш; ернинг умуммиллий бойлик эканлиги;
- ердан фойдаланишда давлат мулк ҳуқуқи устиворлиги ва бошқа тамойилларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ернинг табиий ресурс сифатида шундай алоҳида хусусияти борки, унга тўғри муносабатда бўлинса, уни муҳофаза қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилинса ҳосилдорлиги доимо ошиб боради. Аксинча эса унинг ҳолати ёмонлашиб, фойдаланиш учун яроқсиз аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари доимо тупроқ унумдорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, ернинг сифатини яхши сақлашга асосий эътибор қаратишлари лозим<sup>22</sup>.

Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин<sup>23</sup>:

- мелиоратив тарсоқларнинг самарали ишлашини таъминловчи механизмни сифат жиҳатидан такомиллаштириш ҳамда коллектор-дренаж тарсоғлари орғали дренаж ва ташлама сувларни норматив миқдорда чиқариб ташлаш;
- суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммоси умуман комплекс ҳолда, ирригация-дренаж тизими билан биргаликда, энг кам экологик оқибатлар билан юқори ҳосил олишга қаратилган суғоришнинг ювиш режими ва суғориладиган ернинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизими яратилиши сифатида қаралиши зарур;

<sup>22</sup> Ер ҳуқуқи. / Масъул муҳаррирлар Усмонов М.Б., Жўраев Й.О. –Т.: ТДЮИ, 2002. – Б.144.

<sup>23</sup> Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом 2008 йил 28 ноябр ВМ № 261-сон

- суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимини яхшилаш бўйича барча чора-тадбирлар ташкилий-технологик, иқтисодий ва қурилиш-техник чораларни кўзда тутган ҳолда, сувни тежаш орғали, шунингдек аниқ табиий-техник тизимларда мағбул мелиоратив режимларни барпо этиш йўли билан иқтисодий мақсадга мувофиқликни ҳисобга олган ҳолда асосланиши керак;

- суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизими ҳар хил табиий шарт-шароитлар учун талаб қилинадиган тупроққа ишлов бериш технологияларини таъминловчи агротехник усулларни — такрорий ва оралик экинлар экишни жорий қилиб алмашлаб экишни ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини оширувчи дуккакли дон экинлари экишни рағбатлантириш, аралаш экинларни маданийлаштириб, тупроғни мулчалашни ўз ичига олиши керак;

- суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва унумдорлигини оширишга йўналтирилган экинларни алмашлаб экишнинг юқорида кўрсатиб ўтилган тизимини амалга ошириш, сувни ҳисобга олиш, режалаштириш ҳамда сувни суқориш ва коллектор дренаж тарсоқида тақсимлашнинг мукамал тизимини яратиш, коллектор-дренаж сувларидан контурлар ичида суғоришга ишлатишда фойдаланиш, шўрланган ернинг шўрини ювишни такомиллаштириш йўли билан таъминланиши керак;

- мелиоратив ва табиий-хўжалик шарт-шароитлари ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда қўлланиладиган мелиоратив чора-тадбирлар комплексига тузатиш киритиш;

- ирригация-мелиорация тизимининг ишончли ишлашини ҳисобга олиш ва баҳолаш, уларни таъмирлаш, тиклаш, қуриш ва реконструкция қилиш заруриятини аниқлаш суғориладиган ернинг мағбул мелиоратив ҳолатини таъминлаш ва сағлаш нуқтаи назаридан амалга оширилиши керак.

Буларнинг барчаси мелиоратив чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги ва навбатлилиги ҳудуднинг мелиоратив, экологик ва бошқа табиий-хўжалик шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги гапларини келтириб ўтмоқчиман “Суғорма деҳқончилик саноатида асосий бойлигимиз бўлмиш ерга муносабатни ўзгартириш биз учун устувор йўналишлардан биридир. Ернинг мелиоратив ҳолатига доимо катта эътибор берилмоғи лозим. Агар биз шундай қилмасак, истиқболимиздан маҳрум бўламиз”<sup>24</sup>. Бу сўзларнинг бежиз эмаслиги барчамизга маълум сабаби ер Давлатимизнинг асосий бойлиги саналади шундай бўлсада,

Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурининг тасдиқланган параметрлари асосида ҳар йили:

- мелиоратив объектларни куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаларининг;
- лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларининг;
- мелиоратив техника, машина ва механизмлар сотиб олишнинг;
- келгуси йилдаги бошқа мелиоратив чора-тадбирларнинг ҳудудий аниқ дастурлари ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланади<sup>25</sup>.

Эндиликда биз тадқиқот ишимизни ернинг муҳофазаси билан боғлиқ жиҳатларини ҳам ёритиб ўтишга ҳаракат қиламиз, таъкидлаб ўтишимиз керакки ернинг муҳофаза этилиши ўз ўрнида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни ҳам қамраб олади.

Ерларни муҳофаза қилиш деганда биз аввало нималарга аҳимиятимизни қаратишимиз кераклигини билиб олмоғимиз муҳим ҳисобланади:

**Биринчидан,** давлатнинг ерга оид сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида.

**Иккинчидан,** ер-ҳуқуқий муносабатларининг мустақил таркибий қисми сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ерларни муҳофаза қилиш тушунчаси ҳам табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси асосида эътироф этилишини назарда тутган ҳолда шуни

<sup>24</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин –Т.: Ўзбекистон, 12 томли 2- том Б. 6.

<sup>25</sup> Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом 2008 йил 28 ноябр ВМ № 261-сон

таъкидлаш керакки, ерларни муҳофаза қилиш – ернинг ҳолатини сақлаш, тиклаш ва ерга зарар етказадиган антропоген таъсирларни олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимидир.

Ерларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш ер ҳуқуқи фанининг долзарб вазифаси сифатида эътироф этиш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, ерларни муҳофаза қилиш ўз навбатида ердан фойдаланиш тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз навбатида ерларни муҳофаза қилиш ҳуқуқи ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи бир-бирини тўлдириб турадиган категория сифатида қаралади.

Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунос олимлар томонидан ер ҳуқуқининг ушбу ўзаро чамбарчас боғлиқ категориялари ҳуқуқий жиҳатдан турлича талқин қилинган. Хусусан, профессор Ж.Т. Холмўминовнинг фикрича - ерларни муҳофаза қилиш ҳуқуқи - ерларни сақлаш, тиклаш, шунингдек тупрок унумдорлигини оширишга қаратилган экологик-ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир, деб таърифлайди<sup>26</sup>.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ердан фойдаланиш ер эгаларига ер сифатини бузганлиги учун компенсация тўлаш тизимини жорий этиш йўли билан ернинг ўзгариши, бузилишини ҳамда бошқа хўжалик фаолияти натижасида юзага келган нохуш оқибатларни бартараф этиш, агарда бу ҳолат бошқа ер эгалари ва фойдаланувчиларининг хўжалик фаолияти оқибатида келиб чиққан бўлса;

- ўзгарган ва бузилган ернинг аҳволини яхшилаш ва қайта тикланишини таъминлаш;

- ернинг экологик ҳолатини текшириш ва ҳисобга олиш механизминини яратиш, шунингдек ердан фойдаланувчиларни ер участкаларидан оптимал фойдаланиш тартибини белгиловчи экологик нормативлар билан таъминлаш<sup>27</sup>.

<sup>26</sup> Холмуминов Ж.Т. Эколого-правовые проблемы использования орашаемых земель в Республики Узбекистан. Т. Фан. 1996. – С.72.

<sup>27</sup> Ерофеев Б.В. Земельное право: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. – С.241.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларга қўшилган ҳолда, ерларни муҳофаза қилиш деганда – ердан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ернинг асоссиз равишда олиб қўйилишини олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа чора-тадбирлар тизимини қамраб олувчи ҳамда ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тариқасида, уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда атрофлича ёндашиш асосида амалга оширилиши тушунилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий адабиётларда ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ўнлаб илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, ернинг ҳуқуқий ҳолатини очиқ беришга қаратилган. Хусусан, Й.О.Жўраев, У.Б.Бозоров, М.Б.Усмонов, Ж.Т.Холмўминов, Р.Х.Кенжаевларнинг илмий ишларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий режими таҳлил этилган бўлиб, муҳим аҳамиятга эгадир<sup>28</sup>.

Ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати деганда, ернинг ҳолатини яхшилаш, тиклаш ва ернинг ҳолатига таъсир этувчи антропоген омилларни олдини олиш, бартараф этиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган қоида-талаблар тизимидир.

Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳимлиги йилдан-йилга аҳолининг тез ўсиб бориши натижасида ҳар бир кишининг жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари камайиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчасига олимлар томонидан турли хил таърифлар берилган бўлсада, уларда ерни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг барча жиҳатлари, бизнингча тўла қамраб олинмаган. Жумладан,

---

<sup>28</sup> Усмонов М.Б. Ер ва қонун. Т.: Адолат, 1994; Холмуминов Ж.Т. Эколого-правовые проблемы использования орошаемых земель Республики Узбекистан. Т.: Фан, 1996.

М.Б.Усмонов “ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда, ердан оқилона фойдаланиш, уни қишлоқ хўжалиги оборотидан асоссиз равишда тортиб олинишининг олдини олиш, зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади”<sup>29</sup>, деб таъкидлайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ҳолати миллий қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинган бўлиб, муҳим экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Ер, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”, Фуқаролик, Жиноят, Солиқ, Меҳнат, Шаҳарсозлик кодекслари, “Давлат ер кадастри тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўрмон тўғрисида”ги қонунлари ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

МДХ давлатларининг Ер қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда ерларни муҳофаза қилиш тушунчаси турлича талқин қилинган. Жумладан, Қозоғистон Республикаси Ер кодексининг 139-моддасида “Ерни муҳофаза қилиш-ерни табиий муҳитнинг қисми сифатида муҳофаза қилиш,

<sup>29</sup> Усмонов М.Б. Ер ва қонун. –Т.: Адолат, 1994. – Б.90.

ердан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги оборотидан ерни асоссиз олиб қўйишнинг олдини олиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини ўз ичига олади”<sup>30</sup>.

Юқорида келтириб ўтилган Давлатимиз қонунлари, масъул ташкилотлар томонидан қабул қилинган қонун ости меъёрий ҳужжаъларнинг барчаси ерга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, ер ҳосилдорлигини узлуксиз ошириб бориш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларига риоя қилишга, ердан фойдаланиш қоидалари бузилганда тегишли чоралар кўришга имкон яратади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тамойилларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Жумладан, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш дейилганда ердан унумли фойдаланиш қоидалари асосида доимий равишда унинг мелиоратив ҳолатига эътиборни қаратиш кераклигини белгилайди, бу ўз навбатида ердан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлашга қаратилган.

Қишлоқ хўжалик учун мўлжалланган суғориладиган ерларни алоҳида муҳофаза қилиш ва қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш принципи асосида шаклланган нормалар бундай тоифадаги ернинг алоҳида ҳуқуқий мақомини белгилайди. Бунга сабаб бу ернинг миқдор жиҳатидан чеклангани ва маҳсулот етиштирувчи ишлаб чиқариш воситалари бўлиб хизмат қилишидир. Бу ернинг ҳуқуқий мақоми ва хўжалик ҳолати устиворликка эга бўлгани учун алоҳида қимматбаҳо деб қаралади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 43-моддаси<sup>31</sup> тўртинчи қисмида бу ерларни қишлоқ хўжалигида ўзга эҳтиёжлар учун бошқа тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади деб белгиланган.

<sup>30</sup> Земельный кодекс Республики Казахстан. - Справочная система ЮРИСТ - N 442-II – 2003.

<sup>31</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – № 5-6. 82 – модда

Қолаверса қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини оширишда, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, ҳамда ерларни муҳофаза қилишда аввало, давлат томонидан белгиланган меъёрлар асосида қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Ер ва бошқа табиий объектларга зарар етказилишининг олдини олиш принципи ер ва унга алоқадор бўлган табиат объектлари (сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ўсимликлар ва ҳайвонат дунёси)нинг табиий хусусиятлари ер мулк, эгалик, фойдаланиш муносабатларида бўлганида сақланиб қолиши лозим. Ерга нисбатан содир этиладиган ҳар қандай фаолиятда ҳам унга кимёвий, биологик, радиоактив, экологик ва бошқа мазмундаги зарар етказмаслиги керак. Бу принципнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унга кўра ер ҳуқуқи келиб чиққан зарарни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олишни устивор деб жорий этади.

Ҳақ тўлаш асосида ердан фойдаланиш принципи шуни англатадики, барча ердан фойдаланувчилар, эгалик қилувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўзларига қаршли бўлган ер участкаларидан фойдаланганликлари учун у ёки бу кўринишда ҳақ тўлайдилар. Демак, ерга нисбатан бирор бир ҳуқуққа эга бўлиш ва уни амалда реализация қилиш учун ер ҳуқуқи иштирокчиси ҳақ тўлашга мажбур. Ердан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ ҳар хил бўлиши мумкин: ер солиғи, ижара ҳақи, топширилган маҳсулот учун ҳақ (пудрат шартномасида), ўрмон тўлови ва ҳоказо.

Ердан фойдаланганда ҳақ тўлаш ёки бунда давлат томонидан тегишли имтиёзларнинг белгиланиши ерларни муҳофаза қилишда фойдаланувчиларга муайян рағбатлантириш ёки уларнинг ердан ҳақ тўлангандан сўнг ундан самарали ва оқилона фойдаланишга ундайди.

Ер ҳуқуқининг нормалари ернинг ҳолати ҳақида ахборотлардан эркин фойдаланиш принципига асосланади. Унга кўра, ер участкаларининг давлат дастури кўрсаткичлари, яъни уларнинг табиий, хўжалик ҳолати ва ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат баҳоси ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ахборотлар очик, тўлиқ, ишонарли ҳамда ҳамма учун мақбул тарзда

хоҳловчиларга ва фойдаланувчиларга берилиши керак. Ернинг ҳолати ҳақида ахборот давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг айрим турлари учун текин, айрим юридик ва жисмоний шахслар учун пуллик бўлиши мумкин.

Хуллас, ерларни қонунчилигида ерларни муҳофаза қилиш, муайян раҳбарий қоидалар ва ғоялар, яъни тамойилларнинг белгиланиши шу қонунчиликнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқишда, қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ёрдамида ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг самарали тизими шаклланади.

Ерларни муҳофаза қилишга қаратилган ҳуқуқий чоралар хусусидаги юқорида кўрсатиб ўтилган фикр-мулоҳазалар ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчасининг таърифини, тизимини, мақсадини, вазифаларини ишлаб чиқиш ва белгилашда олимлар ўртасида яқдил фикрга келиш ҳамда шу асосда қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ерни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ барча ҳолатларни ҳуқуқ нормалари билан қамраб олиш ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш институти фақат ер ҳуқуқи доирасида ўрганилмасдан, балки унинг соҳалараро хусусиятга ҳам эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Бунда ерларни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликни қабул қилиш, уни самарали ижросини таъминлаш, бу нормаларни бузганлик учун тегишли жавобгарлик механизмини белгилаш билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқий қоидалар мазкур институт доирасига киришлиги, бу институтнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатиб туради.

### **1.3. Ерларни муҳофаза қилиш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қонунчилигининг ривожланиш босқичлари.**

Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишга қаратилган конституциявий қоида-талаблар, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, махсус ваколатли давлат органларининг қарорлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, ер қонунчилигининг тизимини ташкил этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида ер ҳуқуқининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган ерларни муҳофаза қилиш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳуқуқининг қонунчилик асослари яратилди ва тобора такомиллаштирилмоқда.

Мустақиллик йилларида ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қонунчилик ривожланишини 2009 йилгача бўлган даврда шартли равишда учга бўлиб ўрганишимиз мумкин. Буларга:

- а) 1-босқич: 1991 йилдан то 1998 йилгача бўлган давр;
- б) 2-босқич: 1998 йилдан 2005 йилгача бўлган давр;
- в) 3-босқич: 2005 йил ва ундан кейинги йиллар киради<sup>32</sup>.

Мустақиллик йилларидаги ер қонунчилиги ривожланишинининг бундай бўлиниши шартли бўлиб, баъзи олимларимиз мустақиллик давридаги ер қонунчилиги ривожланишини даврларга ажратишда бошқача ҳам ёндашганлар. Жумладан, Т.И.Каримов, П.Р.Реймов, Ж.Т.Маматмўминов, Б.Я.Кўшакаевлар мустақил Ўзбекистонда ер қонунчилигининг ривожланиши ва такомиллашувини кўйидаги уч босқичга бўлганлар;

1. Биринчи босқич; 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган даврдан бошлаб 1998 йилга қадар давом этди.

---

<sup>32</sup> Кенжаев Р.Х. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 56

2. Иккинчи босқич; 1998 йилдан 2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу даврда ерга оид бўлган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жумладан, Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”, “Давлат ер кадастри тўғрисида” ва шу каби бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

3. Учинчи босқич; 2003 йилдан, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони асосида ишлаб чиқилган Олий Мажлиснинг янги таҳрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан бошланиб, ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда<sup>33</sup>.

Мустақилликдан сўнг ер қонунчилигининг ривожланиш босқичлари ҳақида гапирар эканмиз, бунда ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мустақилликдан сўнг ер соҳасидаги қонунчилик ривожининг биринчи босқичи Ўзбекистон мустақилликка эришгандан, яъни 1991 йилдан 1998 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди.

Мустақиллик шароитида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш учун самарали ҳуқуқий механизмини яратишга, янги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий негизларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди. Бунда, табиат объектлари ичида энг муҳим унсурлардан бўлган ер ресурсларига боғлиқ ҳуқуқий нормалар муҳим ўринни эгаллайди. “Ер ўлкамизнинг асосий бойлиги,-деган эди Президентимиз И.А. Каримов,-у едиради, ичиради, яшаш учун асосий шарт-шароитни яратиб беради. Шу сабабли республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай

<sup>33</sup> Каримов Т.И., Реймов П.Р., Маматмўминов Ж.Т., Кўшакаев Б.Я. Мустақил Ўзбекистонда ер қонунчилигининг ривожланиш босқичлари. Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. - Т.: ТДЮИ, 2005.-Б.29

ташқил этилишига боғлиқ бўлади”<sup>34</sup>. Шунинг учун ҳам “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг моддий асоси унинг мулкидир. Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув ва ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади, деб белгиланди<sup>35</sup>.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонунидаги ушбу қоидалар конституцион қоидалар ҳисобланиб, улар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида” ўз ифодасини топди ва ривожлантирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ер ресурслари билан боғлиқ бўлган муносабатлар учун асосий ҳуқуқ манбаси бўлиб ҳисобланади.

Конституцияда мустаҳкамланган шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий каби ижтимоий муносабатлар билан бирга ҳар бир мустақил давлатнинг муҳим белгиси саналган ерга нисбатан мулк ҳуқуқи алоҳида ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солишнинг асосий шарти сифатида эътироф этилган.

Асосий Қонунимизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ерга оид ҳуқуқий қоида-талаблар мустаҳкамлангандир<sup>36</sup>.

Хусусан, Конституциямизнинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” – деб, мустаҳкамланган бўлиб, унда атроф табиий муҳитнинг асосий ажралмас

---

1. <sup>34</sup> Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.216.

<sup>35</sup> Ўзбекистон ССЖнинг Олий Кенгаши Ахборотномаси. - 1991. - №11. 268 – модда.

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2003. – 35 б.

қисми ҳисобланган ер ресурсларига нисбатан фуқароларнинг мажбуриятлари белгиланган.

Конституциянинг “Жамиятнинг иқтисодий негизлари”<sup>37</sup> – деб, номланган XII боби 54-моддасида мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт деб белгилаб қўйилган.

Ушбу моддада биринчидан, мулк ҳуқуқининг мазмуни эътироф этилса, иккинчидан, мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик ва ишлаб чиқариш жараёни бевосита ер билан боғлиқ эканлиги мустаҳкамланади. Зеро кўпчилик хўжалик юритувчи субъектлар учун ер улар жойлашган кенглик (жой)ни англатса, қишлоқ хўжалик корхоналари учун ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ биологик омилдир. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида гапирар эканмиз, аввало шуни англаб олишимиз керакки, бу нафақат фойдаланиш учун берилган ҳуқуқ, балки ердан оқилона, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш мажбуриятини ҳам юклайди. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва мажбурияти чамбарчас боғлиқдир.

Конституциянинг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”<sup>38</sup> деб, ифодаланган бўлиб, давлатни ерга доир сиёсатининг асосий тамойилларини ўз ичига олади.

Ушбу конституциявий қонуннинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллигимизни моддий асосини ташкил этувчи ер ва бошқа табиий бойликлар халқимизнинг умуммиллий бойлиги, мулки эканлиги; иккинчидан, ер ресурсларидан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги;

<sup>37</sup> Кенжаев Р.Х. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ., 2006. - 58

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2009. – 11 б.

учинчидан, ер-хукукий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Давлатнинг ер эгаси сифатидаги ваколати хусусий ер эгасининг ваколатидан фарқ қилади. Бунда давлат сўзини ерга нисбатан хўжалик эксплуатациясини амалга оширувчи деб эмас, балки ерни фуқароларга, юридик шахсларга доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун ёхуд ер участкаларини ижарага берувчи субъект сифатида тушуниш лозим.

Асосий Қонунимизнинг XXI бобида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳукукий ҳолати белгиланган. Ушбу бобнинг 100-моддасида маҳаллий давлат ҳокимият органлари ваколатларининг асосий йўналиши сифатида-атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби масъулияти эътироф этилган бўлиб, ўз навбатида вилоят, шаҳар, туман ҳокимияти ва бошқарув органларининг ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдек масъулиятини белгилайди.

Конституциядаги қоида-талаблар ерга доир ҳукукий муносабатлар тизимидаги асосий тамойилларни мустаҳкамлайди. Ушбу конституциявий тамойиллар асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун, фармон, қарор, низомлар каби меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар қабул қилинади.

Умуман олганда, ерга оид муносабатларни тартибга солишда бир томондан қонун, фармон, қарор, низом каби меъёрий ҳужжатлар, иккинчи томондан, ушбу қонун ҳужжатлари қўлланилишига ёрдам бериш ва давомийлигини таъминлашда ер ресурслари нормативи, стандарт ва йўриқномалар каби минглаб меъёрий-техник аҳамиятдаги ҳужжатлар қўлланилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ер ижтимоий муносабатларнинг муҳим объекти сифатида миллий ҳукуқ тизимимиз деярлик барча ҳукуқ соҳалари билан узвий алоқадорликдадир. Хусусан, ер табиатнинг ажралмас қисми сифатида бевосита экология ҳукуқи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, экологик-ҳукукий муносабатларни тартибга солишда катта аҳамиятга эгадир.

Шунинг билан бир қаторда ер хўжалик юритишда ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаси сифатида, ерга нисбатан мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқларни қўллашда фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳаларида ҳам ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти ҳисобланади.

Ерларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ва кафолатлашда шунингдек, бошқа ҳуқуқ соҳалари, яъни конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, маъмурий жавобгарлик ҳуқуқи кабиларининг қонунчилик ҳужжатлари қоида-талабларидан ҳам унумли фойдаланилади.

Умуман олганда ҳозирги кунда, ерларни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари мураккаб тизимга эга бўлиб, мазмун-моҳиятига кўра Кенжаев Р.Ҳ<sup>39</sup>. уларни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг самарали бўлиши учун бу тизимни қуйидаги қисмларга бўлади:

- ерларни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари;
- ерларни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар тизими;
- ерларни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонуности меъёрий ҳужжатлари

тизими.

Юқорида ерларни муҳофаза қилишнинг конституциявий ҳуқуқий асосларини батафсил кўриб чиқдик. Мустақиллик йилларида ерларни муҳофаза қилишнинг самарали қонунчилик тизими яратилди ва ҳозирги кунда мазкур тизимини такомиллаштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Ер билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи “Ер тўғрисида”ги қонун ҳали мамлакатимиз собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврда қабул қилинган бўлиб, бу даврда давлатимиз сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, “марказ”га тўла қарам эди, ер муносабатларини тартибга солишда унинг ваколатлари чекланган эди. Шундай шароитда қабул қилинган “Ер тўғрисида”ги қонуни бозор иқтисодиёти ҳамда табиат

---

<sup>39</sup> Кенжаев Р.Ҳ. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. - 60

ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги талаб ва шароитларига жавоб бермаслиги табиий бир ҳол эди.

Республикамиз давлат бошқаруви тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди, жойларда ҳокимликлар таъсис этилди. 1993 йил 7 майда “Ер тўғрисида”ги<sup>40</sup> қонунга ўзгартириш киритилиб, 5-7 моддаларидаги “ижроия кўмиталари” сўзлари “ҳокимият органлари” деган сўзлар билан алмаштирилди. Лекин шунини таъкидлаш керакки, ҳокимият органлари тушунчаси ўз ичига “давлат ҳокимияти органлари”, “ижроия органлари”, ёки “суд ҳокимияти” тушунчаларини ҳам қамраб олади. Шу сабабдан, ер фондларини ким тасарруф этиш ҳуқуқига эга деган масалага “Ер тўғрисида”ги қонун аниқ жавоб бериши керак эди.

Ундан ташқари, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ерга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ерларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонуности меъёрий-ҳужжатлар тизимида ҳам бир қанча мисоллар келтиришимиз мумкин, буларга: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги “Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисида” ги Низомини ҳамда 1995 йил 11 апрелдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги Қарорларини келтиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги “Ер майдонлари ажратиш бўйича доимий ишловчи махсус комиссия тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Комиссия зиммасига ерларни муҳофаза қилишга оид мажбуриятлар ҳам юклатилган бўлиб, жумладан Низомнинг 4-қисм 5-бандида Комиссия “ердан фойдаланишнинг белгиланган тартиби бузилган тақдирда олиб қўйиш ҳақида таклифлар киритади” дейилган.

---

<sup>40</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси. – 1993. - №6. 243-модда.

Ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ривожининг 2-босқичи 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини қабул қилишдан бошланиб то 2005 йилгача бўлган йилларни ўз ичига олади. Бу давр ердан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган жуда кўп қонунчилик ҳамда қонуности ҳужжатларини қабул қилинганлиги билан характерланади. Қўйида биз ана шу даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янгидан қабул қилинди. Ушбу кодексда ер умуммиллий бойлик, республика халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб белгиланиб, унинг асосий вазифаси ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, хўжалик юритишнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатлиги қайд этилди.

Ер кодексда давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳолати, ер тузишнинг ҳуқуқий асослари, ер мониторинги, давлат ер кадастри, ерга нисбатан мулкчилик, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши ва тугатилиши асослари ҳамда тартиби, ер сервитути, ер учун ҳақ тўлаш, ер эгалари, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ерларни пай жамғармасига бериш, оила пудрати асосида ердан фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш, ер хусусидаги низоларни ҳал этиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар ўзининг ҳуқуқий асосларини топди. Ундаги кўпгина қоидалар янги бўлиб, улар бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётимиздаги

ижобий ўзгаришларни тартибга солишга қаратилганлиги билан характерланади. Мазкур кодекснинг 11-боби<sup>41</sup> ерларни муҳофаза қилиш деб номланиб, унда, ерларни муҳофаза қилишнинг мазмуни ва тартиби, объектлар, иморатлар ва иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш, куриш ва улардан фойдаланишга оид экологик талаблар, кимёвий ёки радиоактив моддалар билан ифлосланган ердан фойдаланиш, ердан оқилона фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш каби масалаларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари ўз аксини топган. Кодекснинг 12-боби, яъни ердан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назорат деб номланган бўлиб, ердан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари, ердан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар, ердан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини белгиловчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ердан оқилона фойдаланиш тизими табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш тарзида бўлиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказишни чеклашни назарда тутиши керак.

Ернинг муҳофаза қилинишини таъминлаш мақсадида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

- ҳудудни оқилона ташкил этадилар;
- тупроқ унумдорлигини, шунингдек ернинг бошқа хоссаларини тиклайдилар ва оширадилар;
- ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишдан, захлашдан, қайта шўр босишдан, қақраб қолишдан, заранглашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, хароб қиладиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;

---

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – №5-6. 82 модда.

- қишлоқ хўжалик ерларини бута ва майда дов-дарахтлар, ёввойи ўтлар босиб кетишидан ва ернинг маданий-техникавий ҳолатини ёмонлаштирувчи бошқа жараёнлардан ҳимоя қиладилар;
- ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларидаги тупроқ унумдорлигини бошқа усуллар билан қайта тиклашнинг иложи бўлмаса, бу ерларни консервация қиладилар;
- бузилган ерларни қайтадан экинзорга айлантирадилар, уларнинг унумдорлигини ва бошқа фойдали хоссаларини оширадилар;
- ерларни бузиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш чоғида тупроқнинг унумдор қатламини сидириб оладилар, ундан фойдаланадилар ва уни сақлаб қоладилар.

Давлат органлари ерларни муҳофаза қилиш юзасидан республика дастури ва ҳудудий дастурлар доирасида зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Ҳосилдан қолган қишлоқ хўжалик ерларини консервация қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади, деб қўйилган.

Ер кодексининг мазкур моддасини таҳлил қилар эканмиз, ундаги айрим камчиликларни ҳам кўришимиз мумкин, биринчидан, муҳофаза қилиш доирасида муайян ер фонди тоифаларининг айримларигина кўрсатилган ҳолос. Бизнингча, муҳофаза доирасига Ер кодексининг 8-моддасида кўрсатилган барча тоифадаги ерлар киритилиши лозим. Моддада ерларни муҳофаза қилиш ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизимини қамраб олади, деб белгиланган. Бизнингча, юқорида кўрсатилган барча чора-тадбирлар ҳуқуқий характерга эга бўлиб, уларнинг бажарилиши ер муносабатлари субъектлари учун муайян даражада мажбурий характерга эга бўлади ва бу чора-тадбирлар ҳам тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бўлади. Шунингдек, ушбу модданинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ерларни муҳофаза қилиш борасидаги мажбуриятлари кўрсатилган қисмида, ер фондларининг барча тоифаларидан фойдаланувчи субъектларининг ерни муҳофаза қилиш билан боғлиқ мажбуриятлари акс эттирилиши лозим. Мазкур бобда, ёки 79-модданинг ўзида ерни муҳофаза қилиш ташкилий, иқтисодий, технологик ва

бошқа тадбирлар тизимини белгиловчи тамойил-қоидалар ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина, Ер кодексидаги ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш институти ўз ичига шу турдаги муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини ўз ичига қамраб олган бўлар эди.

Шу билан бирга Р.Ҳ.Кенжаевнинг фикрича Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини 79-моддаси биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш лозим деб айтиб ўтган.

Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш – ер фондининг барча тоифаларидан белгиланган мақсадларда оқилона фойдаланиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқи ва шартларини белгилаб қўйиш ва уларни бузганлик учун жавобгарлик, ер муносабатларида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда атроф табиий муҳит ва табиатнинг бошқа унсурлари билан ернинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб, ундан самарали фойдаланишга қаратилган ҳуқуқий тадбирлар тизимини қамраб олади.

Бизнинг фикримизча ҳам шундай, битта қўшимча сифатида ердан оқилона фойдаланганлик учун қайсидир маънода рағбатнинг жорий этилиши ҳам нормаларда жавобгарлик масаласининг қанчалик аниқ кўрсатилиши ҳам ўйлаймизки қонунийликни шакиллантириш ва самарасини оширишга хизмат қилади.

Мазкур моддада шунингдек, ерларни муҳофаза қилиш усуллари: ерларни рекултивация қилиш, ерларни консервация қилиш, ерларга маҳаллий-минерал ўғитлар қўллаш, ерларни алмашлаб экиш ва бошқа агротехник тадбирлар билан боғлиқ қоидалар ҳам ўз аксини топиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддаси<sup>42</sup> “Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари” деб номланади. Бизнингча мазкур моддани “Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсад ва вазифалари” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ҳар қандай қонун қандай мақсадда қабул қилинганлиги ва ижтимоий муносабатларнинг қайси турини ва доирасини тартибга солишга қаратилганлиги ушбу қонуннинг

<sup>42</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – №5-6. 82– модда.

дастлабки моддасида атрофлича баён этилиши ва ундан кейингина ушбу конун ҳужжатининг вазифалари ва йўналишлари кўрсатилиши мумкин.

Ер кодексининг тегишли моддасида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг ер муносабатларини тартибга солиш жараёнидаги асосий ваколатлари ифода этилиши лозим. Чунки мазкур орган ер ресурслари билан боғлиқ давлат сиёсатини, бошқарувини амалга оширишда марказий ўринда туради. Бу бошқарув органининг ваколатлар доирасини кодексда бериш унинг ҳуқуқий мақомини анча оширган бўлар эди.

Ерларни муҳофаза қилиш Ер кодексидан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги (янги таҳрир), “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Концессиялар тўғрисида”ги қонунлари ҳам у ёки бу даражада ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишга қаратилган.

Ерларни муҳофаза қилишнинг айрим жиҳатлари шунингдек, бошқа кодексларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тўртинчи бўлими “Экология соҳасидаги жиноятлар”, деб номланиб, унда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларнинг турлари кўрсатилган. Мазкур кодекснинг 197-моддаси бевосита Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар таркибига бағишланган<sup>43</sup>. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам “табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” (VIII боб) белгиланган<sup>44</sup>. Мазкур кодекслар бўйича ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар ва уларга

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.-Т.: Адолат, 2004. – Б. 383.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. - Норма янги таҳрирда 2009.

қўлланиладиган юридик жавобгарликлар билан боғлиқ масалаларнинг батафсил таҳлили тадқиқот ишининг кейинги бобларида ёритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ердан оқилона фойдаланувчилар учун ер солиғини белгилашда муайян имтиёзлар белгиланган. Хусусан, кодекснинг солиқ солинмайдиган ер участкалари (101 – модда) деб номланган моддасининг ўн тўртинчи бандида “янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойиҳада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга” солиқ тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг Ер солиғи ставкалари деб номланган 99 – моддасида “Қишлоқ хўжалик ерларининг сифати ер участкаси мулкдори, ер эгаси ёки ердан фойдаланувчининг айби билан ёмонлашган (бонитети пасайиб кетган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашувига қадар белгиланган ставкалар бўйича ундирилади”<sup>45</sup>, деб белгилаб қўйилган. Юқоридаги нормалар орқали ер муносабатлари субъектларининг ердан оқилона фойдаланиш ва уни соғломлаштириш билан боғлиқ фаолиятлари иқтисодий жиҳатдан муайян даражада рағбатлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг аҳоли пунктлари ва шаҳар атрофи зоналари ҳудудларидан фойдаланиш, деб номланган VI бобида қурилиш ишларини олиб бориш жараёнида ер ҳудудларидан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилган. Жумладан, ҳудудларнинг зоналаштирилиши, деб номланган 41 – моддада “Аҳоли пунктларининг ҳудудий зоналари ҳудудларнинг зоналаштирилиши яшаш ва фаолият кўрсатиш учун қулай муҳитни таъминлашга, ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар таъсиридан муҳофаза қилишга, аҳоли ва ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари зич жойлашиши, атроф муҳит ифлосланиши олдини олишга, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, шу жумладан табиий ландшафтларни, шунингдек маданий мерос объектларини,

---

<sup>45</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига. - Норма янги таҳрирда қабул қилинган билан 2009.

қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмонзорларни муҳофаза қилишга ва улардан фойдаланишга қаратилгандир”<sup>46</sup> деб кўрсатилган. Шунингдек, ушбу моддада муҳофаза зоналарида ҳудудлардан шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар белгиланган.

Ер қонунчилиги ривожланишинининг 3-босқичи 2005 йилдан кейинги даврни ўз ичига олган бўлиб, бунда асосий эътибор ерларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилган. Бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги “Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинolari ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”<sup>47</sup>ги Фармони келтиришимиз мумкин.

Хуллас, Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин ер муносабатларини, шу жумладан уни муҳофазасига қаратилган масалаларни тартибга солишга қаратилган муайян қонунчилик тизими яратилди ва янада ривожлантирилмоқда. Шу билан бирга нафақат мамлакатмизда балки бутун дунёда ер ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши ҳамда жамиятнинг ерга нисбатан етказаётган зарар миқдорини ошиши ва табиатнинг ўзида кечаётган объектив ўзгаришлар бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

---

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси.-Нормадан , 2009 йил. Янги тахрирда

<sup>47</sup> Халқ сўзи. 2006. 26 июль. - № 143.

## **2-БОБ. ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.**

### **2.1 Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида мавжуд вилоятларнинг барчаси кичик шаҳарларчалар ва қишлоқлар, посёлка ҳамда овулларни ўз ичига олади мавжуд қишлоқларнинг барчаси қишлоқ саноатига мўлжалланган ердан тақил топган. Шундай экан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш тартиби ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ер кодекси<sup>48</sup>, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади.

Ҳозирги замон ер муносабатларини тартибга солишнинг бош йўналиши тамойилларини белгиловчи энг муҳим қонун ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси бўлиб, унда айниқса қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилган.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси талабларини амалга ошириш учун ер муносабатларида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, ер ресурсларини бошқариш структурасини такомиллаштириш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15 октябрь 2004 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида”ги № ПФ-3502 сонли Фармони билан Ўзбекистон

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси Норма янги тахрирда 2009й, 67-модда

Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (Ўздавергеодезкадастр) ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46-моддасига мувофиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1. Қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига -товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни юритиш учун;
2. Тажриба ишлаб чиқариш ўқув тажриба ва ўқув ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига илмий тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун;
3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - фермер хўжаликлари юритиш учун;
4. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - деҳқон хўжалиklarини якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;
5. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;
6. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга - ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек, ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади.

Ердан фойдаланишни келиб чиқишида ер бериш жараёни муҳим аҳамиятга эга. Ер бериш ердан фойдаланишни келтириб чиқарувчи асосий восита бўлиб, бу жараён маълум босқичлардан иборат:

**биринчи босқич** ер берилишини сўраб ариза беришидир;

**иккинчи босқич** ушбу аризани тегишли давлат органида кўриб чиқиш (танловда қолиб чиқиш);

**учинчи босқич** ер бериш тўғрисида қарор чиқариш;

**тўртинчи босқич** натура тартибда ер участкасини жойида ер тузилиш асосида ажратиб беришдан иборат.

Демак, ердан фойдаланиш ўз-ўзидан келиб чиқмасдан, балки белгиланган тартибда, ер бериш жараёни орқали амалга оширилади. Ер участкасидан натура ҳолида ажратиб берилгандан сўнггина фойдаланиш мумкин. Акс ҳолда ердан ғайри қонуний фойдаланиш келиб чиқади. Ер участкасини ажратиб бериш тегишли ҳокимликларнинг қарорлари асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бошқа ҳеч қандай орган ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқаришга ҳуқуқли эмас.

Бирор бир фойдаланувчи эгалигида бўлган ер участкаларини бошқа бир фойдаланувчи эгалигига бериш тўғрисида қарор чиқарилиши ёки олиб берилиши мумкин эмас. Агар ер участкалари шу тахлитда берилса, қонунга хилоф хатти-ҳаракат саналади. Ер участкалари фойдаланиб келаётган субъектдан қонунда белгиланган тартибда тўлиқ олиб қўйилгандан сўнггина, бошқа фойдаланувчига берилиши мумкин. Ер бериш стихияли тартибда ёки бир бошидан ёхуд тўғри келган жойдан эмас, балки илмий асосда, белгиланган мақсад йўлида, ернинг шарт-шароитлари, тупроқ унумдорлигига қараб амалга оширилади.

Энг унумдор ерлар асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун берилади. Ер бериш ер тузувчи ташкилотлар томонидан берилган ер участкаларининг чегараларини шу жойнинг ўзига бориб ўлчаб берганларидан кейин ерга эгалик ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат ҳужжати берилгандан сўнггина тўла қонуний ҳисобланади. Ана шу ишлар амалга оширилмагунча, ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йили 27 майда 736-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги геодезия, Картография ва давлат Кадастри бош бошқармаси томонидан 1999 йили 30 мартда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Тўғрисида йўриқнома”<sup>49</sup>га асосан қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг ерга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишлари шарт.

Таъкидлаш керакки, ер қонунчилигига кўра, қишлоқ хўжалик корхоналари ернинг эгаси бўлмаганлиги сабабли уни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу ҳуқуқ фақат ернинг эгаси бўлган давлатда сақланиб қолади. Демак, қишлоқ хўжалик корхоналарига хўжалик фаолияти юритиш учун ер берилганда унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлатда сақланиб қолади ва ҳеч вақт у иккинчи томонга ўтмайди. Шундай экан, қишлоқ хўжалик корхоналари ернинг эгаси ҳисобланмайдилар ва тасарруф қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмайдилар.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалик корхоналари фақат ерни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Субъектив мулк ҳуқуқининг асосий элементи бўлган тасарруф этиш ҳуқуқи эса мулк эгасида, яъни давлатда сақланиб қолади.

---

<sup>49</sup> «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома»/Норма.2009.

Ер кодексининг 39-моддаси ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқларини ўрнатади. Унга кўра, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1. ер участкасида ундан фойдаланиш мақсадига мувофиқ мустақил хўжалик юритиш;
2. қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари ҳамда дов-дарахтларга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва уни реализация қилишдан олинган даромадга бўлган мулк ҳуқуқи;
3. ер участкасидаги мавжуд кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ернинг бошқа фойдали хоссаларини ишга солиш;
4. ерларни суғориш ва уларнинг захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиорация ишлари ўтказиш;
5. қишлоқ хўжалик экинларини, дов-дарахтларни суғориш ҳамда бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;
6. белгиланган тартибда уй-жой бинолари, ишлаб чиқариш, маданий-маиший ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни барпо этиш, ер участкаларидан фойдаланиш мақсади ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ уларни қайта қуриш ва бузиб ташлаш;
7. Ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар бу ишларни ер эгалари билан келишиб амалга оширишга ҳақли;
8. ер участкаси олиб қўйилган тақдирда унга етказилган зарарнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) қопланишини ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганида сарфланган харажатларнинг тўланишини талаб қилиш;

9. ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча фойдаланишга ва ички хўжалик ижарасига бериш<sup>50</sup>.

Ер эгаси бўлган фуқаро ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан кимошди савдоси асосида олинган шундай ҳуқуқни деҳқон хўжалиги юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш мақсадида кредитлар олиш учун гаровга қўйиши мумкин.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори ердан фойдаланишда қуйидаги мажбуриятларни бажариши шарт:

1. ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик;
2. ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларини соз ҳолатда сақлаб туриш;
3. ерларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш;
4. ер солиғини ёки ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;
5. бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларининг ҳуқуқларини бузмаслик;
6. фойдали қазилма конларини ишлатиш, қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун берилган қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмонзорларни уларга эҳтиёж қолмаганидан кейин ўз ҳисобидан қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ёки балиқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга, мазкур ишлар бошқа ерларда амалга оширилган ҳолларда эса, белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш;
7. фойдали қазилма конларини ишлатиш чоғида, шунингдек бошқа ишларни амалга ошириш пайтида ўзларига эгалик қилишга

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 30.04.1998 й. 39-модда

ва фойдаланишга ҳамда мулк этиб берилган (реализация қилинган) ер участкалари ҳудудидан ташқаридаги қишлоқ хўжалик экинзорлари, ўрмонзорлар ва бошқа ерларга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш ёки уни мумкин қадар чеклаш чоратadbирларини амалга ошириш;

8. маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш;
9. бошқа ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ер участкаларининг ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаш.

Ер кодекси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ердан фойдаланиш соҳасида ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг мажбуриятларини алоҳида Ер кодексининг 48-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ердан фойдаланувчи ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар:

1. бизнес-режаларда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ердан оқилона фойдаланиш юзасидан аниқ тадбирларни назарда тутишлари;
2. зона шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишни, деҳқончиликнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;
3. ҳайдаладиган ерлар асралиши ва кенгайтирилишини таъминлашлари;
4. мелиоратив жиҳатдан нобоп суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилишлари, пичанзор ва яйловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;
5. хўжаликнинг бутун ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғини ҳамда ундаги иншоотларни техникавий жиҳатдан соз ҳолатда сақлашлари;

6. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини суғориладиган ернинг шўр босиши ва захланишига, ернинг ва сув манбаларининг ифлосланиши ва зарарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;
7. қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини, суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;
8. қонун ҳужжатларига биноан ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўришлари шарт.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигига оид қонунчиликни асосан қуйидаги тартибда мавжуд масалаларни ҳал этишга қаратиш лозим.

**Биринчидан,** қишлоқ хўжалиги қонунчилиги энг маъқул ишлаб чиқариш тузилмаларини белгилаб бериш керак. Яъни қишлоқ шароитининг ўзига хос жиҳатларини (аҳоли зичлиги, ер билан таъминланиш, сув ресурслари, техника хизмати, экин турлари) қатъий эътиборга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тузилмалари сифатида фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатишлари лозим.

**Иккинчидан,** қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш шаклини илғор ва самарали усулини жорий этиш ҳамда уни тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш, керак. Керак бўлса ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш шунингдек ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир барча чора-тадбирларни кўриб ишлайдиган ер эгалари фермерлар ёки бошқа деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғилланувчи шахсларга нисбатан рағбатлантиришни кучайтириш лозим.

**Учинчидан,** қишлоқ хўжалигида ер асосий восита ролини ўйнаганлиги сабабли, ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш лозим.

**Тўртинчидан,** Умуман ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида давлат назорати органларнинг масъулиятини янада ошириш,

қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланувчи тадбиркорлар, фермерларга нисбатан, агар улар ердан ўзбилармонлик билан фойдаланган тақдирда ёхуд ўз бошимчалик билан ўзга ердан фойдаланган тақдирда уларга нисбатан қазий чоралар кўрилиши лозим.

Янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга ўтиш, ер муносабатлари доирасининг жуда кенглиги, ер бойликларини тасарруф этиш ва фойдаланиш билан боғлиқ барча муносабатлар Ер кодексида акс этиши керак. У ерга нисбатан мулкчилик, ер бериш тартиби, ер фондларининг ҳуқуқий ҳолати, ер ижараси, чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, томорқа ердан фойдаланиш ҳуқуқи. Давлат ер кадастри, давлат ер тузиш ишлари, ер тўғрисидаги низоларни ҳал қилиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби масалаларни тартибга солиш керак.

Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳозирги босқичида ер муносабатларини такомиллаштириш ислоҳотлар самарадорлигини таъминловчи муҳим дастур бўлиб ҳисобланади.

Ушбу тадбирни амалга ошириш ер муносабатларини юқори даражага кўтариш ва бозор иқтисодиёти талабларига мослаш нуқтаи назаридан ҳозирги кунда ҳал этилмаган қатор муаммоларни ечимини топишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, хусусан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ернинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш олдимизда турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатидаги катта камчиликларни бартараф этиш ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун яроқли ҳолатларга келтириш эса биз кўзлаган мақсадларни амалга оширишнинг воситаси, асосий қуроли бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ерга нисбатан аграр сиёсатнинг асосий талаби ҳар бир қарич ерни ҳисобга олиш ва ундан самарали фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунинг учун эса энг аввало қишлоқ хўжалигида бошқаришда усул ва воситаларни янада такомиллаштириш зарур. Қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ муносабатлар қонунларда аниқ баён қилинганлигига қарамай, янги муносабатлар ўтиш жараёнида баъзи бир қийинчиликлар вужудга келмокда. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалиги ер турларининг ҳақиқий ҳолатига баҳо беришдаги камчиликлардир.

Дарҳақиқат, ердан фойдаланиш муҳофаза қилиш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир кўплаб қонунлар, қонун ости меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, минг афсуски уларнинг кўплари ҳаётда ўз аксини топаётгани йўқ. Жуда кўп хўжаликларда, жумладан, фермер хўжаликларида экин майдонлари унумдор ерлар ёки эрозияга чалиниб ёки қайта шўрланиб экин майдонлари сафидан чиқиб қолмокда. Яна бир ҳол-керакли агротехник тадбирлар тўғри қўлланилмаганлиги туфайли ҳосилдорлик даражаси кескин камайиб бормокда.

Бизнинг фикримизча тупроқ унумдорлиги, экологик софлиги тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилиш вақти келди. Барча қонунларда ердан нотўғри фойдаланган шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини қўллаш ҳамда ернинг унумдорлик даражасига қараб унинг ҳақиқий баҳосини белгилаш вақти етди.

Буларни албатта, қабул қилинган қонунларга ўргартиришлар киритиш, хаттоки мустақил қонунлар қабул қилиш билан ҳаётга татбиқ қилиш керак.

## **2.2. Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Ерларни муҳофаза қилиш жараёнида самарали иқтисодий механизмнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ердан фойдаланиш жараёнида айрим ҳуқуқ субъектлари муайян даражада унга зарар етказдилар ёки аксинча ердан фойдаланувчилар унинг самарадорлигини ва унумдорлигини ошириш мақсадида бир қатор чоратадбирларни амалга оширадилар. Давлат ўз навбатида умуммиллий бойлик ҳисобланган ернинг эгаси сифатида ҳуқуқ субъектларининг ердан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятларини назорат қилиб турар экан, бунда мазкур механизмнинг давлатнинг бу фаолиятидаги ўрнини қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Биз ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, атроф табиий муҳитини муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишининг иқтисодий-ҳуқуқий механизми моҳиятини очиб беришимиз лозим. Бу соҳада юридик адабиётларда турлича фикр ва тушунчалар билдириб ўтилган, жумладан, О.В. Дубовик фикрича эса, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий-ҳуқуқий механизми ўзида табиатни муҳофаза қилувчи чораларни молиялаштириш, хўжалик субъектлари фаолиятини солиқ ва бошқа имтиёзлар орқали рағбатлантириш, атроф табиий муҳитни ифлослантирганлик ҳамда унга бошқача зарарли таъсир кўрсатганлик учун тўланадиган пул воситалари сарфланиши шартлари ва усуллариини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуини қамраб олган ҳуқуқий институтни ифодалайди <sup>51</sup>.

Иқтисодий-ҳуқуқий механизм экология ҳуқуқининг алоҳида институти бўлиб, қонунда белгиланган экологик императивни амалга оширишга қаратилган экологик-ҳуқуқий меъёрлар ва экологик ҳуқуқий муносабатлар

---

<sup>51</sup> Дубовик О.В. Экологическое право. изд. Юристь. М.: 2002. - С.128.

тизимда намоён бўлади. иқтисодий-ҳуқуқий механизмнинг мақсади экологик-ҳуқуқий меъёрнинг амалга татбиқ этишни таъминлашдан иборат эканлиги ҳамда ундан кўзланган мақсадга унинг таркибий қисмларига юкланган вазифалар бажарилиши туфайли эришилади. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг биринчи бўғини – бу табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий меъёрлари, иккинчи бўғини экологиялаштирилган ҳуқуқий меъёрлар ва нормативлар, учинчи бўғини ҳам асосий, ҳам экологиялаштирилган меъёр ва нормативларнинг ижросини таъминловчи кафолатлар, тўртинчи бўғини эса ҳуқуқий муносабатларда амалга ошириладиган меъёр ҳаракатининг яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан бу масалада кўпроқ ер учун ҳақ тўлаш, бу борадаги солиқ имтиёзлари ва ерларни соғломлаштириш билан боғлиқ технологик тадбирлар комплекс тарзда эмас, балки алоҳида олинган ҳолда тадқиқ этилган. Масалан, М.Б. Усмонов иқтисодий ҳуқуқий механизмнинг ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини тадқиқ этган<sup>52</sup>. А.Н. Нигматов эса, Ер ҳуқуқи кўлланмасида бу механизмнинг иқтисодий ва технологик тадбирлар кўринишида айрим жиҳатларини баён этган<sup>53</sup>. М.М. Нурматов ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш<sup>54</sup> масалаларини таҳлил этганлар, лекин ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми тушунчасига категория сифатида ўзбек ҳуқуқшунос олимлари томонидан яхлит бир таъриф берилмаган.

Бизнингча, ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми ўз ичига қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

**Биринчидан**, ердан фойдаланганлик ва уни ифлослантирганлик ҳамда унга етказилган бошқа зарарли таъсирлар учун тўланадиган тўловларни белгилаш ва тўплаш;

<sup>52</sup> Усмонов М.Б. Ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш. // Хўжалик ва ҳуқуқ. 2002. - №10. - Б 21-26.

<sup>53</sup> Нигматов А.Н. Ер ҳуқуқи.-Т.:Тошкент Ислон университети, 2001.-Б.95.

<sup>54</sup>Нурматов М.М. Ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. / Ер конунчилигини такомиллаштириш муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2005. – Б.68-72 .

**Иккинчидан,** ерларни муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирларини молиялаштириш;

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ № 718-сон қарори билан тасдиқланган “Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 26 сентябрдаги ПҚ № 698-сон Осиё тараққиёт банки иштирокида Директорлар кенгаши “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларидаги ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сон Фармониға мувофиқ ҳамда суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини сифатли шакллантиришни ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорлариникелтиш мумкин.

**Учинчидан,** хўжалик юритувчи шахсларға солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш орқали уларни иқтисодий рағбатлантириш ва бошқалар.

Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмини юқорида кўрсатилган элементлари бўйича мавжуд қонунчилик ва адабиётларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги ҳолатларни келтириб ўтишимиз мумкин. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш иқтисодий механизми элементларидан бири бу – ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдир.

Ўзбекистон Республикаси ер қонунчилигида ер ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг мазмуни, тартиби ва вазифалари мустаҳкамлаб қўйилган. Ер кодекснинг 28-моддасига<sup>55</sup> асосан, ўз эғалигида ва фойдаланишида ҳамда мулкида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер учун ҳақ тўлайдилар. Ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади, унинг миқдори ер участкасининг

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. - № 5-6. 82 – модда.

сифатига, жойлашишига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади. Ер участкалари ижарага берилганда ер учун ҳақ ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори тарафларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиғи ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан кўп бўлмаслиги керак, ердан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилган тақдирда ер солиғи ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

М.Б.Усмоновнинг фикрича, “ердан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришнинг асосий сабаби, биринчидан, ер умуммиллий бойлик эканлиги, яъни ер участкасидан фойдаланганлик учун наф шу ҳудудда яшаётган барча кишиларга тегишлилигида; иккинчидан, ердан фойдаланувчи шу ер участкасидан фойдаланганлик учун маълум фойда ёки даромадга эга бўлишлигида; ва ниҳоят учинчидан, ер учун ундириладиган ҳақ шу ер майдонларининг ҳолатини яхшилаш ва сақлашга сарфланишлигидадир”<sup>56</sup>.

Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 28-модда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-32-боблар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2002 йил 21 январдаги 19 ва 2002-20-сон Қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги "Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 31 январдаги 29 ва 2002-27-сон қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги "Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқномаларга асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сонли "Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида"ги Фармонида асосан 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат

<sup>56</sup>. Ер ҳуқуқи. / Масъул муҳаррирлар— М.Б.Усмонов, Й.О.Жўраев Т.: ТДЮИ, 2002. – Б.132.

натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида ягона ер солиғи жорий этилди.

Ушбу фармон ҳамда унинг асосида қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 2-бандига асосан: "Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи (алкоголли маҳсулотга акциз солиғидан ташқари), экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига бюджетга ягона ер солиғини тўлайдилар”.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизмига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Ерларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми деганда, умумий ҳолатда ердан фойдаланганлик, уни ифлослантирганлик ҳамда унга етказилган бошқа зарарли таъсирлар учун тўланадиган тўловларни белгилаш ва тўплаш шартлари, тартиби, ерларни муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилшга қаратилган чора-тадбирларини молиялаштириш ва хўжалик юритувчи шахсларга солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш орқали уларни иқтисодий рағбатлантиришни белгиловчи ҳуқуқ нормаларини тизими тушунилади. Мазкур таърифдан келиб чиқиб, бу механизм орқали ерларни муҳофаза қилиш ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш ва режалаштириш, ердан фойдаланганлик учун тўланадиган тўлов миқдорларини белгилаш, ернинг ҳолатини соғломлаштириш борасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларга солиқ, кредит ва бошқа соҳаларда имтиёзлар бериш, ерларга етказилган зарарларни белгиланган тартибда қоплаш тартибини белгилаш каби вазифаларни бажаришга эришиш мумкин.

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилишда иқтисодий механизмнинг мукамал тартибга солиниши ва бу

борадаги муносабатлар, ҳуқуқий асосларда ўз аксини топиши долзарб масалалардан биридир.

Бизнингча, ушбу параграфда билдирилган ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларда иқтисодий механизмни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари бўйича ғоялар, илмий-назарий таклифлар қонунчиликда ўз аксини топиши лозим. Бинобарин, бу ҳозирги кунда ҳар қандай давлат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий белгиловчи омили бўлиб ҳисобланади. Чунки ерларни муҳофаза қилишда иқтисодий омилларни қўллашдан асосий мақсад ернинг моддий қийматини белгилаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминланишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

### **2.3 Ерларни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси ва жавобгарлик турлари**

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти орқали табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилган тақдирда айбдор шахсларни жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортиш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки у ишлайдиган ташкилотнинг маъмурияти олдига қўйилади, белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортадилар, суд органларида ер фондига етказилган зарарни ундириш бўйича даъво аризаларини қўзғатадилар, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Ерларни муҳофаза қилиш борасида жавобгарлик тушунчасига тўхталашдан аввал давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик институтларининг категория сифатидаги таърифлари ишлаб чиқилганлигига аҳамиятни қаратамиз<sup>57</sup>. Бу адабиётлардаги мазкур

---

<sup>57</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Масъул муҳаррирлар Бобоев Ҳ.Б., Одилқориев Ҳ.Т. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – 528 б; Исломов З.М. Общество. Государство. Право.–Т.:Адолат, 2001.-696

категорияларга берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: ҳуқуқбузарлик - бу ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, табиатга, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмиш. Бундай қилмиш қонун билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиши ёки зарар етказиш хавфини туғдириши мумкин. Юридик жавобгарлик –ҳуқуқбузарлик содир этилганлигининг ҳуқуқий оқибати сифатида ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллашдир. Бу чоралар: шахсий (озодликдан маҳрум этиш); мулкый (жарима); ташкилий (муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш; ишдан бўшатиш) характерга эга бўлиши мумкин. Юридик жавобгарликка тортишнинг ягона асоси эса содир этилган қилмишда ҳуқуқбузарликнинг таркиби тўлиқ мавжуд бўлишидир. Ҳуқуқбузарликнинг таркибий элементлари: объекти (ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабат); объектив томони (ҳуқуққа хилоф қилмиш; зарарли оқибат; улар ўртасидаги сабабий боғланиш; жойи, вақти, усули ва муҳит); субъекти (ҳуқуқбузарликни содир этган шахс); субъектив томони (ҳуқуқбузарнинг ижтимоий хавфли қилмишга қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги онгли психик муносабати) бўлиб, улардан бирининг мавжуд эмаслиги жавобгарликка тортишни истисно қилади. Бу барча ҳуқуқбузарлик турларига тааллуқли энг муҳим умумий қоидадир.

Ҳуқуқий бўлмаган маънодаги жавобгарлик юридик таъсир этиш чорасидан маҳрум этилган бўлиб, ахлоқий қадриятларга зид ҳаракатлар содир этган шахсга маънавий таъсир кўрсатишни назарда тутди. Ушбу шахс, қонунни бузмаган бўлса ҳам, атрофдаги одамлар томонидан муҳокама қилинади. Масалан, қатағон қурбонлари қабристонини ҳудудида кўнгилочар бинолар қуриш, ҳаттоки ваколатли давлат органларининг руҳсати олинган тақдирда ҳам ноахлоқий ҳисобланади.

Ер ҳуқуқбузарлиги ҳам ҳуқуқбузарликнинг шаклларида бири бўлиб, у ер ҳуқуқи нормаларига зид бўлган айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида намоён бўлади. “Ер ҳуқуқбузарлиги давлатнинг ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи, кишлок хўжалиги ва бошқа корхоналарининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи, ердан қонуний фойдаланиш тартиби, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган бўлиб, шу ҳуқуқ ва манфаатларнинг амалга оширилишига тўсиқ бўлади. Демак, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, ерга бўлган мулк ҳуқуқига нисбатан қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга ҳалал берадиган гайриқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилади”<sup>58</sup>.

Ж.Т. Холмўминов суғориладиган ердан фойдаланиш тартибига ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларни бир-бирдан алоҳида ажратиб кўрсатади ҳамда уларнинг ҳар бирини махсус гуруҳларга бўлади. Суғориладиган ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларни 2 гуруҳга ажратади:

- 1) суғориладиган ерларни ва сув ресурсларини ифлослантириш;
- 2) уларни бузиш, ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни бажармаслик, зарарли ўсимликларга қарши курашмаслик ва ҳ.к.<sup>59</sup>.

Юридик жавобгарлик давлат, ҳуқуқ нормалари, фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва юридик шахсларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан узвий боғлиқ. Давлат юридик жавобгарликни, унинг давлат мажбурлов характердалиги сабабли, ҳуқуқ субъектларининг хоҳиш ва иродаларидан қатъи назар қўлланилишини кўзда тутади. Шу билан юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликдан фарқланади. Юридий жавобгарликнинг асосий хусусияти – жаримали, жазоловчи моҳиятидадир. Бунда жазо – мақсад эмас, балки ҳуқуқбузарни қайта тарбиялаш воситаси бўлади. Юридик жавобгарлик жазоловчи функция билан бир қаторда,

<sup>58</sup> Ахмонов Н., Жуманов А. Ер ва қонун.//Ҳаёт ва қонун. -2004. - №2. – Б.18-19.

<sup>59</sup> Кенжаев Р.Ҳ. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 112.б //Ж.Т. Халмуминов. Экологик ҳуқуқий тушунчалар ва ер ҳуқуқбузарлиги турлари.-2005.-№2.-С.59-60.

ҳуқуқни тикловчи функцияни ҳам бажаради. У шахс субъектив ҳуқуқларини ва давлатнинг қонуний манфаатларини тиклаш мақсади бўлиб хизмат қилади.

Юридик жавобгарлик ўзида ер ҳуқуқи субъекти сифатида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларига нисбатан қўлланадиган мажбурлов чоралари тизимини намояна этади. Мажбурлов чоралари огоҳлантириш, субъектларнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларининг олдини олиш ёки уларнинг бундай ҳаракатларни содир этганлиги учун жазолаш характериға эға бўлиши мумкин. Ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни содир этувчи шахс ҳуқуқбузар ҳисобланади, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларнинг ўзи эса, ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Ҳуқуқбузарларға нисбатан қўлланадиган чоралар ҳуқуқий санкциялар ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик мазмуни сифатидаги, ҳуқуқ меъёрлари талабларига зид ҳаракат, шунингдек ҳуқуқбузарларға нисбатан давлат таъсир чораси сифатидаги санкциялар мазмуни қонунда қайд этилиши лозим.

Ер ҳуқуқбузарлиги ва бундай ҳуқуқбузарликларға белгиланадиган жавобгарлик масалалари ҳар доим ҳуқуқшунослик фанининг диққат марказида бўлиб келган. Кейинги йилларда ушбу муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқшунос олимларнинг фаолияти анча жонланди. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг, умуман ер муносабатлари катнашчиларининг табиат ресурсларидан фойдаланишда кўпроқ манфаат ва даромадларға эътибор беришлиги ва бунда экологик талабларға кўп ҳолларда амал қилмаслик ҳолатлари кўп учраётганлигини эътиборға оладиган бўлсак, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масаласиға алоҳида эътибор қаратилиши ҳаётий зарурат эканлигини англаймиз.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, давлатнинг ерға нисбатан бўлган мулк ҳуқуқиға қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан

оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга халал берадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Бизга маълумки, ерга доир қоида талабларни белгилаган ҳолда ер ҳуқуқидаги махсус қоида-талаблар билан боғлиқ равишда ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш, ердан фойдаланганлик учун солиқ ва турли тўловларни тўлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солади.

1. Интизомий жавобгарлик нима? У ўз ичига ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳсида қандай тоифадаги ҳуқуқбузарликларни қамраб олади? Демак, ер қонунчилигини бузувчи, лекин жиноий ёки маъмурий характерда бўлмаган қилмишлар интизомий жавобгарлик келтириб чиқарувчи интизомий қилмишлар ҳисобланади унинг зарар даражаси ҳам нисбатан анча енгил бўлиб ўз хусусиятларга кўра: Интизомий жазо фақатгина меҳнат фаолиятига кўра ер-ҳуқуқий меъёрларига риоя қилиш вазифалари юклатилган ва меҳнат фаолиятига кўра ер қонунчилигини бузган, ер-ҳуқуқий меъёрларга риоя қилмаган шахсларгагина қўлланиши мумкин. Интизомий жавобгарликнинг жавобгар шахсга нисбатан қўлланилиш сабаби оддийгина бўлиши мумкин аммо, қонун уни маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарликда бўлганидек интизомий хатти-ҳаракатлар таркибини белгилаб бермайди. Шу сабабли вақтинчалик ёки доимий асосда ишловчи ходим бўлиши мумкин, интизомий жавобгарликнинг характерли тарафи шундаки у бевосита ерга нисбатан зарар етказишни назирда тутмай, балки бирор иншоотда ишлаши, ёхуд лойиҳани бажариши натижасида ерга етказилган зарардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Яъни жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли ҳолда интизомий жазолар фақат иш пайтида руй берган интизомий ҳуқуқбузарлик учунгина қўлланади.

Юқорида айтилган гаплардан келиб чиқиб ер ҳуқуқидаги интизомий жавобгарлик – фақат меҳнат қонунчилигида кўзда тутилиб ўзининг ички

низомида ҳуқуқбузарлик деб белгилаб қўйилган, айбдорлик белгиларига эга ҳуқуқбузарликларга айтилади деб айтишимиз мумкин<sup>60</sup>.

Меҳнат интизомини бузгани учун иш берувчи ўз ходимиغا қуйидаги интизомий жазоларни қўллаши мумкин;

1) Ҳайфсан;

2) Ўрта иш ҳақининг 20% ортиқ бўлмаган жарима

Ички меҳнат тартиби қоидаларига мувофиқ ходим ўртача ойлик иш ҳақинининг 40% дан ортиқ бўлмаган жаримага ҳам солиниши мумкин.

Иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш қонун талабларига биноан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш<sup>61</sup> кабилар белгиланиб интизомий жазо сифатида бошқа жазо чоралари берилмайди.

Интизомий жавобгарлик кўп ҳолларда, жавобгарликнинг бошқа шакллариغا нисбатан самаралироқ таъсир кўрсатади. Буни интизомий жавобгарликнинг профилактик хусусиятга эгаллиги билан изоҳлашимиз мумкин. Ҳуқуқбузарлик профилактикасининг бош йўналиши сифатида, хизмат юзасидан ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги туфайли атроф табиий муҳитга зарар етказган ходимга нисбатан интизомий жавобгарлик чорасининг қўлланилиши муҳим тарбиявий аҳамиятга эга<sup>62</sup>. Интизомий жавобгарлик келгусида нафақат ушбу жавобгарликка тортилган шахс, балки муайян ташкилотда фаолият юритаётган бошқа ходимлар ҳуқуқ-атворига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

2. Ер конунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик. Бундай ҳолатда албатта интизомий жавобгарликдан оғрроқ бўлган аммо, жиноий жавобгарлик бўлмаган зарарни тушинишимиз керак. Ер ва у билан боғлиқ табиий объектларнинг муҳофазаси ҳуқуқнинг асосий вазифаларига киради.

<sup>60</sup> Шахсий фикр

<sup>61</sup> Муаллифлар жамоаси. Дарслик Ер ҳуқуқи. ТДЮИ 2002 й, 1106

<sup>62</sup> Возмещение экологического ущерба (правовые и экономические аспекты проблемы прошлого экологического ущерба) / Под ред. С.А. Боголюбова и И.Н. Сенчени. - М.: Изд-во Научного и учебно-методического центра, 2001. - 19 с.

Шу қоидаларга риоя этиши давлат мажбурловчи чоралари, улар ичида муҳим ўрин эгаллайдиган маъмурий жавобгарлик нормалари билан таъминланади.

Маъмурий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида намоён бўлади ва у фақат ваколатли орган томонидан қўлланилади. Шу билан бирга уни ҳуқуқий жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб турадиган жихати, маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноят деб топилади, агарда, ердан фойдаланиш шарт-шароитларини бузиш 65-моддаси 1-қисми, оғир оқибатлар келтириб чиқарса 197-моддаси ёхуд ерни яроқсиз ҳолга тушириш ёки ифлослантириш 65-моддаси 2-қисми одамларнинг оммавий касалланишига, хайвонлар, паррандалар ёки балиқлар ўлимига бошқа оғир оқибатларга жиноят кодексининг 196-моддаси 1-қисми ва одам ўлимига олиб келган тақдирда мазкур кодекснинг 196-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик жарима, жиноят, фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи нормаларида белгиланган санкциялар билан бир хил номга эга, аммо миқдори ва қўллаш тартиби билан фарқ қилади. Хусусан, МЖТК 25-моддасига мувофиқ фуқароларга солинадиган жариманинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса - 10 бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга – энг кам иш ҳақининг ун бараваригача ва мансабдор шахсларга – ун беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик яна шуниси билан характерланадики кенг доирадаги ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан қўлланиши мумкин; жиноий жазолар эса фақат суд томонидан қўлланилади. Яна маъмурий жавобгарлик содир этилган пайтда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган, давом этаётган ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтига тасдиқланган энг кам иш ҳақининг миқдори билан ўлчанади.

Тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар ердан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарлик чораларини ўз ваколатлари доирасида, қонунга мувофиқ ҳолда (МЖТК 8-

моддаси)га мувофиқ қўллайдилар, бу эса қонунга риоя қилиш умумий тамойилининг амалга оширилишидир.

Маъмурий жавобгарликка тортиш учун қуйидаги асослар бўлиши талаб этилади: 1) қилмишда экологик ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлиши; 2) ҳуқуқбузарлик субъектининг қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишидаги айби; 3) маъмурий жавобгарлик қонунчилигида унинг бузилганлиги учун санкция кўзда тутувчи ва содир этилишини таъқиқловчи норманинг мавжудлиги.

Юқорида келтириб ўтганимиздек, маъмурий жавобгарлик хусусиятларидан бири, унинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда аниқ белгиланганлигидир. Республикамизда 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган.

3. Ер қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик мулкий зарар етказилганда вужудга келади. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги ҳуқуқбузар томондаги мулкий ва номулкий характердаги салбий натижалар шаклидаги ҳуқуқий муносабатларда ўз аксини топади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида турли мулк шакллариининг ривожланиши ва ҳимояга олинганлиги муносабати билан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик устувор аҳамият касб этиб бормоқда. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик – ҳуқуқбузар мулкани қайтариб бермаслик шарти билан камайтириш кўринишдаги мулкий характердаги ноқулай оқибатларга чидаш мажбурияти<sup>63</sup>.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги тўрт шарт бажарилган тақдирда қўлланилади: 1) ҳақиқий тўғридан-тўғри зарар; 2) ҳуқуққа хилоф хулқ-атвор; 3) ҳуқуққа хилоф хулқ-атвор ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш; 4) ҳуқуқбузарнинг айби.

<sup>63</sup> С.П. Григаева Фуқаролик ҳуқуқи : Дарслик. – М.: Юристь, 2004. – 155 б

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг компенсацион ва огоҳлантирувчи хусусиятдаги функциялари мавжуд бўлиб, унинг компенсацион функцияси жабрланувчи учун ҳуқуқбузарликнинг ноқулай оқибатларини ҳуқуқбузарнинг мулки ҳисобига бартараф этишда намоён бўлади. Огоҳлантирувчи функция эса, келгусида бу каби ҳуқуқбузарликларнинг ҳуқуқбузар ҳамда бошқа шахслар томонидан содир этилишининг олдини олишга йўналтирилган.

4. Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик. Ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш иқтисодий механизми қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик турларидан бири жиноят-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, жиноят – жиноят ҳуқуқи нормаларида кўзда тутилган ҳаракатни содир этган шахсга нисбатан қўлланадиган жавобгарликдир. Жиноят ҳуқуқбузарликнинг жиддий кўриниши бўлганлиги боис, жавобгарлик чоралари ҳам юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан кўра оғирроқ бўлади. Бу борада юридик адабиётларда қатор фикрлар билдирилган. Масалан, М.Усмоналиев жиноий жавобгарликка “Ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус тури бўлиб, Жиноят кодексида таъқиқланган қилмиш содир этилган тақдирдагина қўлланадиган жавобгарликнинг энг оғир туридир”<sup>64</sup>, деб таъриф беради.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик экологик жиноятлар содир этилиши муносабати билан юзага келади. Экологик жиноятлар – табиий ресурслар ҳаётий фаолияти учун муҳим бўлган шароитига, унинг ресурсларини асраш, экологик хавфсизликни таъминлашга оид ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи айбли, жиноят қонунида таъқиқланган ижтимоий хавфли қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)<sup>65</sup>. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик фақатгина Жиноят кодексида белгиланган жиноятлар содир этилган тақдирдагина юзага келади.

<sup>64</sup> Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. - 115 б.

<sup>65</sup> Столяров В.Б. Общий уголовно-правовой анализ экологических преступлений // Экологическое право. №1. 2001. - 9 с.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Экология соҳасидаги жиноятлар” деб номланувчи 4-бўлими, 14-бобида кўзда тутилган жиноятлар. Ушбу нормаларни ўз навбатида икки гуруҳга ажратишимиз мумкин: биринчидан, бевосита атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини бузиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормалар (193-195, 197-, 199-200, 202-204-моддалар); иккинчидан, билвосита атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини бузиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормалар (196-198-201-моддалар).

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини бузганлик учун жиноий жавобгарликдан фарқли равишда маъмурий жавобгарлик ушбу муносабатларни тартибга солишда кенг қўлланадиган юридик жавобгарлик тури ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, экология ҳуқуқида маъмурий экологик ҳуқуқбузарликлар масаласи экологик жиноятларга нисбатан камроқ ўрганилган<sup>66</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Ерларни муҳофаза қилиш ва мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари” деб номланувчи иккинчи боби, учинчи параграфи “Ерларни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик тушунчаси ва жавобгарлик турлари”ни таҳлил этиш жараёнида шунга амин бўлдимки бегунги кунда ерларга етказилган зарарларнинг аниқ миқдори ўлмаганлиги сабабли ердан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга жиддий путур етказмоқда, экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг янада кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам экологияга оид ҳуқуқбузарликлар учун судлар фаолиятини ривожлантириш, суд амалиётини такомиллаштириш ҳозирги даврнинг асосий вазифаларидан биридир.

---

<sup>66</sup> Дубовик О.Л. Административная ответственность за экологические правонарушения: предварительная оценка реформы законодательства // Экологическое право. №2. 2002. - 10 с.

## Х У Л О С А

Ҳозирги кунда ерларни муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланишда камчиликларни бартараф этиш, хусусан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ернинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш олдимизда турган энг долзарб муаммолардан биридир. Қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун яроқли ҳолатларга келтириш биз кўзлаган мақсадларни амалга оширишнинг воситаси, асосий куроли бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ерга нисбатан олиб борилаётган сиёсатнинг асосий талаби ҳар бир қарич ерни ҳисобга олиш ва ундан самарали фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунинг учун эса энг аввало қишлоқ хўжалигида бошқариш шаклининг усул ва воситаларини янада такомиллаштириш зарур.

Бизга маълумки, давлатимизда йилдан – йилга ер қонунчилиги такомиллашиб янада эътибор кучаймоқда аммо бизнинг бўшлиғимиз нимада деган савол келиб чиқади, демак, ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирлар қонунларда, қарорларда қанча аниқ кўрсатилмасин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бирибир ўзбилармончилик ҳоллари кўплаб учраб турибди. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ хўжалиги ер турларининг ҳақиқий ҳолатига баҳо беришдаги камчиликлардир. Мавжуд бўлган ер кадастри юритишнинг замон талабларига жавоб бермаслиги, вилоятлар ва туманларда асосий иш юритишнинг номукамаллигидан иборат

Бизнинг фикримизча, ерларнинг муҳофаза қилиниши улардан фойдаланиш қоидалари, экологик жихатдан унинг асраш тўғрисида алоҳида қонунлар қабул қилиш зарурдир. Барча қонунларда ердан фойдаланиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қатъий жазо

чораларини кўлланса ўйлаймизки албатта бепарволик ёки ўзбилармончиликдан сақланган бўлардик.

Амалдаги Ер кодексининг “Муҳофаза қилиш” деб номланган 11-бобига ернинг мелиоратив ҳолати яхшилашга доир алоҳида модда киритилиши лозим деб ўйлайман, сабаби ер давлатимизининг асосий бойлиги ҳисобланади ва вилоятларимизнинг аксарият кўп қисми қишлоқ хўжалиги ерлари бўлиб улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан банд ҳисобланади.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ечишнинг асосий омилларидан бири - ер тўғрисидаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш заруррати туғилади, ернинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлиги ошиб ёки аксинча унумдорлиги пасайиб борадиган ерларнинг статистик маълумотларини юритиш, уларга нисбатан қатъий рағбатлар ёки жазолар жорий қилиш, қишлоқ хўжалик экинларини майдонларини тупроқ-иқлим шароитига мослаб жойлаштириш, мелиоратив тадбирларни тўғри ишлаб чиқиш, ерларни унумдорлиги пасайиб уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ёки давлатимиз бойлиги ҳисобланган пахта, буғдой кабиларни етиштириладиган майдонларни ишга яроқсиз ҳолатга келишини олдини олган ишда тезкор назоратнинг ташкилий механизмини кучайтириш.

Айтиб ўтилган муаммоларни ҳал этишда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ўрни жуда муҳимдир. Давлатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги тараққиётини амалга оширишда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришда ер бойликларидан унумли ва оқилона фойдаланиш, унинг муҳофазасини тўғри ташкил этиш асосий омил ҳисобланади. Ерга оид муносабатларни мукаммал бошқаришни амалга ошириш борасида қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин.

**Биринчидан,** ерларни муҳофаза қилиш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чиқарилаётган қонунлар ва қарорлар бажарилиши устидан вилоят ва туман хокимликлари хузурида мавжуд бўлимларнинг фаолиятида назоратнинг ўрнини ошириш уларни такомиллаштириб бориш, ундан ташқари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли барча вилоятларида мавжуд бўлимлари орқали назорат тизимини кучайтириш мақсадида хокимиятлар билан ҳамфикликда ишларни ташкил этиб уларнинг низомларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

**Учинчидан,** Сайлов тўғрисидаги қонунга киритилган ўзгартиришлар натижасида 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар, вилоят, туман кенгашларига депутатликка сайловлар ўтказилди натижаси бўйича 15 депутат 2008 йил ташкил этилган “Экологик ҳаракат” аъзоларидан сайланди, сайланган депутатларга ҳар бир вилоятларда мавжуд экологик ва ер билан боғлиқ муаммоларни чораклик ҳисоботида акс эттириш механизминини такомиллаштириш керак;


**Тўртинчидан,** Ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг маҳаллий органлари қошида ер бўлимларидан оқилона фойдаланиш устидан назоратни амалга оширувчи инспекция ташкил этилиши, энг муҳими инспекцияга ердан, хусусан қишлоқ хўжалик ерларидан хўжасизларча қонунга ҳилоф равишда фойдаланганларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жарима солиш ваколатини бериш лозим. Шунингдек, ушбу инспекция ер қонунчилигини қўпол равишда бузган мансабдор шахслар ва фуқароларни жавобгарликка тортиш мақсадида тегишли маъмурий органларга тақдимномалар бериш ҳуқуқидан фойдаланиши керак. Таъкиддаш керак, Ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланишга жавобгар ҳисобланиши лозим. Чунки, давлатимиз

иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда, бозор иқтисодиёти муносабатларини такомиллаштиришда, саноатни хом-ашё мамлакатимиз аҳолисини эса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда Ер ресурсларининг аҳамияти жуда беқиёсдир.

Юқоридаги фикримиздан бирида ер билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштиришда, шу билан бирга қишлоқ хўжалиги қонунчилигини ривожлантириш ундаги камчиликларни бартараф қилиш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдим.

Биз билдинган юқоридаги таклифлар қонунчилигимизда ўз аксини топса, ўйлайманки келажак авлодга кўрсатган енг самарали ишимиз шулар хисобланади.

Зеро, мукамал ва адолатли қонунларни давлатимиз фуқаролари яратади ва амалиётга тадбиқ этади бу эса мустаҳкам қафолатдир.

**1-илова<sup>67</sup>**

<sup>67</sup> “Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти” ([www.google.ru](http://www.google.ru)) Суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳаларни шакллантириш, ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ИЛОВА

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

- 1.1 Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.2 Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.3 Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.4 Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.5 Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 1.6 Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997
- 1.7 Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
- 1.8 Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
- 1.9 Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
- 1.10 Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Т.: “Ўзбекистон”, 2003.
- 1.11 Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. -Т.: “Ўзбекистон”, 2004.
- 1.12 Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият” -Т.: Халқ сўзи. 2005. 8-декабрь.
- 1.13 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси.

**1.14** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» 2010 йил

**1.15** 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» 2010 йил

## **2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ ВА ҚОНУН ОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ**

2.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.

2.2 Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. 2009 Янги тахрирда нормадан

2.3 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси янги тахрирда 2009 нормадан

2.4 Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси янги тахрирда 2009.

2.5 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. [www.LEX.uz](http://www.LEX.uz) янги тахрирда 2009

2.6 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. [www.LEX.uz](http://www.LEX.uz) янги тахрирда 2009

2.7 Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси.-Нормадан 2009 йил. Янги тахрирда

- 2.8 Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрир). // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 168-модда.
- 2.9 Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1999. – № 1.
- 2.10 Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1997. – № 4–5.
- 2.11 Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – № 9
- 2.12 Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2001. – № 1–2.
- 2.13 Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида”ги Низом. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1996. – № 5–6.
- 2.14 Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – № 5–6
- 2.15 Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни (Янги таҳрири). // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 2004. – № 9.
- 2.16 Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжалиги)тўғрисида”ги қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – № 5–6.
- 2.17 Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъекти фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги

қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси.  
– 1999. – № 1.

### 3. ДАВРИЙ АДАБИЁТЛАР

- 3.1 Абдуллаев Х.А., Абдурахмонов Т.А. Дунё тупроқлари, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.-Т.: Ўзбекистон, 1994
- 3.2 Ахмадшоева М.А., Нажимов М.К. Хуқуқ нима?.-Т.:ТДЮИ, 2003
- 3.3 Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. Т.:“Янги аср авлоди” – 2001
- 3.4 Ер ҳуқуқи. / Масъул муҳаррирлар Усмонов М.Б., Жўраев Й.О. – Т.:ТДЮИ, 2002. - 243 б.
- 3.5 Конституционное право. Энциклопедический словарь. –М.: Норма, 2000. –688 с.
- 3.6 Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использование природных ресурсов в Республики Узбекистан.- Т.:Chinoz.ENK,1998
- 3.7 Нигматов А.Н.,Султонов Р.Н. Экология ва ҳаёт.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002
- 3.8 Нигматов А.Н. Земельное право в схемах, определениях и фактах: Уч.пособие.-Т.:ТГЮИ, 2000.
- 3.9 Нигматов А.Н. Ер ҳуқуқи.-Т.:Тошкент Ислон университети, 2001
- 3.10 Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг Экология ҳуқуқи.-Т.:ТДЮИ, 2004.
- 3.11 Нурматов М.М. Ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. // Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2005.
- 3.12 Рўзиназаров Ш.Н. Бозор шароитида кишлок хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми. –Т.: Адолат, 1997.

- 3.13 Саидов А.Х., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001
- 3.14 Шодмонов Ф., Абдурасулов У. Ердан фойдаланиш масъулияти. / Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.121-124 .
- 3.15 Холмуминов Ж.Т. Эколого-правовые проблемы использования орошаемых земель в Республики Узбекистан.-Т.: Фан, 1996.-196 с.
- 3.16 Холмўминов Ж.Т. Экология ва ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари. -Т.: Меҳнат, 1991.-96 б.
- 3.17 Экологическое право России. / Под ред. Ермакова В.Д., Сухарева А.Я.– М., 1997. – С.320.
- 3.18 Эргашева М. Жадидлар – ер ва унинг ҳуқуқий муҳофазаси тўғрисида. // Ер қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. - Т.: 2005. – Б.226.
- 3.19 Алихонов Б. Табиатни муҳофаза қилишда иқтисодий механизмларни такомиллаштириш. // Ж.Ҳуқуқ. Право. Law. -2000. - №4.-Б.
- 3.20 Аюбов У.Т. Ер муносабатларини тартибга солиш. // Ж.Ҳаёт ва қонун.-1999.-№1.-Б.43-52.
- 3.21 Ахмонов Н., Жуманов А. Ер ва қонун. // Ж.Ҳаёт ва қонун.-2004.- №2.-Б.18-19.
- 3.22 Бобоев Ҳ.Б., Хасанов С.Х. Авестода сиёсий-ҳуқуқий қарашлар.// Ж.Давлат ва ҳуқуқ. -2000. № 2-3. – 16 б
- 3.23 Бобоқулов Ш.О. Ер қонунчилигини бузиш. // Ж.Ҳаёт ва қонун.- 2003.-№5.-Б.60-61.
- 3.24 Бобоқулов Ш.О. Дехқон ва фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш ҳуқуқи. // Ж.Ҳуқуқ ва ҳуқуқ.-2004.-№3.-Б.18-20.

- 3.25 Бобоқулов Ш.О. Фуқароларнинг ердан хусусий мулк сифатида фойдаланиш ҳуқуқи. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ.-2003.-№10.-Б.33-36.
- 3.26 Бобоқулов Ш.О. Ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ.-2003.-№5.-Б.35-37.
- 3.27 Бобоқулов Ш.О., Ҳайитов Ҳ.Ш. Ер элни боқадди. // Ж.Ҳаёт ва қонун.-2004.-№2.-С.56-57
- 3.28 Быстров Г.Е. Сельскохозяйственная кооперация: теория, мировой опыт, проблемы возрождения в России. // Ж.Гос. и право.-1998.-№5.-С.121-123.
- 3.29 Волков Г.А., Голиченков А.К., Козырь О.М. Развитие рынка земли : правовой аспект. // Ж.Гос. и право.-1998.-№2.-С.50-58.
- 3.30 Волков Г.А., Игнатьева И.А., Сапранова О.Н. Совершенствование экологического и земельного права в современных условиях (Материалы науч.-практ. конф). // Ж.Гос. и право.-1996.-№5.-С.114-125.
- 3.31 Жуманов А. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ.-2004.-№4.-Б.26-28.
- 3.32 Жуманов А. Ерга етказилган зарарни ундириш. // Ж.Қонун ҳимоясида. -2004. -№5 –Б.20-21.
- 3.33 Жураев Ю.А. Экологическое законодательство Республики Узбекистан. // Ж.Гос. и право.-1996.-№11.-С.28-37.
- 3.34 Қобулов Ш. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ-2001.-№11-12.-Б 43-47.
- 3.35 Менглиев Э. Қишлоқ хўжалиги: масъулият ва жавобгарлик.// Ўзбекистон овози. 2005. 12 феврал.
- 3.36 Мирзаев Т.Р. Ерни муҳофаза қилиш-ҳамминг бурчи. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. - 1998.-№6.-Б.28-30.
- 3.37 Мирзаев Т.Р., Нигматов А.Н. Правовая охрана земель в Узбекистане. // Ж.Давлат ва ҳуқуқ.-Б.23-26.

- 3.38 Намозов Ф.С. Табиат объектларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий муаммолари. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ-1998.-№2-Б. 25-28.
- 3.39 Сыродоев Н.А. О соотношении земельного и гражданского законодательства. // Ж.Гос. и право.-2001.-№4.-С.28-35.
- 3.40 Унарова З.Х. Ширкат хўжаликлари ва ер муҳофазаси. // Ж.Ҳаёт ва қонун -2001.-№1.-Б. 31-35.
- 3.41 Усманов М.Б. О понятии и сущности земельно-правовой ответственности. // Ж.Обществ. науки в Узб. -1994. - № 1-2. - С.17-22.
- 3.42 Усмонов М.Б. Экологик жиноятлари баҳолаш. // Ж.Ҳаёт ва қонун-2001.-№2-3.-Б 36-39.
- 3.43 Усмонов М.Б. Ер учун ҳақ тўлашни ҳуқуқий тартибга солиш. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. 2002. - №10. - Б 21-26.
- 3.44 Усмонов М.Б. Экология қонунчилиги муаммолари. // Ж.Ҳаёт ва қонун-2002.-№2.-Б. 53-54.
- 3.45 Усмонов М.Б., Холмуминов Ж.Т. Эколого-правовые проблемы использования орошаемых земель в Республики Узбекистан. // Обществ. науки в Узб.-1996.-№11-12.-С.95-96.
- 3.46 Файзуллаева Г.Г. Земельно-правовая ответственность за нарушение права сельскохозяйственного землепользования. // Ж.Хозяйство и право.-2001.-№1.-С.80-81.
- 3.47 Файзуллаева Г.Г. Ер қонунчилиги ва жавобгарлик. // Ж.Қонун ҳимоясида. -2003. - №2. –Б.37-38.
- 3.48 Файзиев Ш.Х. Аграр сиёсатни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий масалалари. // Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ.-2003.-№3.-Б.33-36.
- 3.49 Файзиев Ш.Х. Экология ҳуқуқининг манбалари. // Ж.Ҳаёт ва қонун-2001-№2-3.Б.34-35.
- 3.50 Файзиев М., Холмуминов Ж.Т. Правовое обеспечение экологии в Узбекистана. // Ж.Давлат ва ҳуқуқ.-Б.55-57.

- 3.51 Холмўминов Ж.Т. Тадбиркорларнинг табиий объектлардан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик асослари. // Ж.Хуқуқ.-2002.-№2.-Б.77-80.
- 3.52 Холмўминов Ж.Т. Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий-экологик асослари // Ж.Ўзбекистон экологик хабарномаси.-1996.-№3.-Б.24-25.
- 3.53 Холмўминов Ж.Т. Ер кадастри нима? // Ж.Ekologiya xabarnomasi.-1999.-№1-2.-Б.8.
- 3.54 Холмўминов Ж.Т. Табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари. // Ж.Хуқуқ. Право. LAW.-Б.
- 3.55 Кенжаев Р.Ҳ. Ўзбекистон Республикасида ерларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий масалалари. Юрид. фан. ном. дис. ... автореф. - Тошкент: ТДЮИ, 2006
- 3.56 Файзуллаева Г.Г. Юридическая ответственность за нарушение права сельскохозяйственного пользования: Автореф.дис. ... канд.юрид.наук.-Т., 2001.-25
- 3.57 Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Автореф.дис. ... док.юрид.наук. Т., 2004. - С. 48.
- 3.58 Хайитбоев Э.Р. Правовое регулирование использования орошаемых земель : Автореф.дис. ... канд.юрид.наук.-Алма-Ата, 1991.-24 с.

#### 4. РАСМИЙ САЙТЛАР

- 4.1“Самарқанд хокимияти расмий сайти” [www.google.ru](http://www.google.ru)
- 4.2[www.yandex.com](http://www.yandex.com),
- 4.3[www.region.uz](http://www.region.uz)
- 4.4“Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сайти” [www.google.ru](http://www.google.ru)